

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Магистратура бўлими

“Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси

УДК 808

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Бўлим бошлиғи

Н.И.Асқаров

“ ” 2017 йил

“ҲИМОЯГА ҚЎЙИЛДИ”

Кафедра мудири

Ҳ.Каримов

“ ” 2017 йил

“Увайсий лирикасининг матний тадқиқи ва поэтикаси”

МАВЗУСИДА

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Бажарди: Исломова Сохибахон Исмоилжоновна

“Адабиётшунослик” йуналиши магистранти

Илмий раҳбар: ф.ф.н., доцент Д.Абдуллаева

АНДИЖОН – 2017

Кириш.....	3
I БОБ. Жаҳонотин Увайсийнинг ижодий биографиясига оид янгиликлар.....	5
1.1 Жаҳонотин Увайсий ҳаёти ва ижодининг ўрганилиш тарихи.....	10
1.2 Шоира ижоди манбаларининг қиёсий тавсифи.....	28
I боб бўйича хулосалар.....	34
II боб. Увайсий шеърятининг жанрлар тизими ва асарларининг бадиий Хусусиятлари.....	35
2.1. Шоира ижодий меросининг жанрлар кўлами, вазн хусусиятлари.....	39
2.2. Увайсий ҳамд ва наътлари поэтикаси.....	44
II боб юзасидан хулосалар.....	60
III боб. Увайсий лирикасида анъана ва издошлик.....	61
3.1 Бадиий ғоя ва образлар талқини.....	66
3.2 Бадиий маҳорат масаласи.....	69
III боб бўйича хулосалар.....	70
Умумий хулоса.....	71
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	73
Иловалар.....	75

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ватанимиз мустақилликни қўлга киритгач, кўп соҳаларда бўлгани каби таълим соҳасида ҳам тубдан ислохотлар олиб борилмоқда. Ўзбек халқи ҳам дунёнинг бошқа халқлари каби эркин миллат сифатида ўз ўтмишига яқиндан назар солиш, уни чуқур ўрганиш, миллий кадриятларини қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш ҳамда ана шу омилларга таянган ҳолда ёрқин келажак йўлини танлаш имконига эга бўлди.

Муҳтарам Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, инсонни , унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса сўз санъати, бадиий адабиётдир.

Биринчи Президентининг “ Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” номли рисоласида шундай сатрлар мавжуд: “ Халқимиз адабиётни муқаддас ва улуғ бир даргоҳ деб билади. Ана шундай баҳонинг ўзи эл- юртимиз ҳаётида бу соҳа намоёндаларига, уларнинг ҳаққоний сўзи, чуқур маъноли асарларига ишонч, ҳурмат- эътибор ва эҳтиром азалдан юксак даражага кўтарилганини яққол кўрсатиб турибди”, дея таъкидлангани бежиз эмас.

Мустамлакачилар томонидан маънавий қолоқ, саводсиз, дея ноҳақ камситилган мазлум халқ ичидан истеъдодли, юксак маънавиятли, миллати учун қайғурадиган инсонларнинг кўплаб етишиб чиққани ғоят фахрланарлидир. Айниқса, уларнинг орасида аёлларнинг ҳам салмоқли эканлиги эътиборни тортади.

Жаҳонотин Увайсий, шубҳасиз,эътироф этилган аёл ижодкорларнинг сарбони эди, десак ҳеч ҳам янглишмаган бўламиз. Увайсий нафақат ўзбек, балки Шарқ мумтоз шеърлятидаги ўзига хос, бетакрор сиймо. Унинг лирикаси алоҳида бир гўзал бадият оламини ташкил этади. Шоира ижоди бўйича кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар унинг илоҳий маърифатни, тарихий ҳақиқатни, пок эътиқодни ва ниҳоят, олий муҳаббатни тараннум этганлигини кўрсатмоқда. Атоқли шоирамиздан бизгача залварли адабиёт дурдоналари мерос бўлиб қолган. Бу меросни

ҳақли меросхўри сифатида чуқур ўрганиб, бутун оламга эътироф қилсак арзийди .

Ишнинг мақсади: Жаҳонотин Увайсийнинг ижодини чуқурроқ ўрганиш ва ўрганилган маълумотларни таҳлил қилиш, уларни ўзаро қиёслаш, ҳозирги кунгача мавжуд бўлган тўртта девонини қиёслаб ўрганиш, ўрганилмаган асарларини матний тадқиқ қилиш ҳамда мавзу юзасидан поэтик хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти ва предмети: Увайсий ижодидаги тўртта қўлёзма девон, А. Қаюмов, Э. Иброҳимова; М. Қодирова, Ҳ.Раззаков; Боқир ва Улфат томонидан яратилган 1959, 1963, 1983 ва турли йиллардаги Увайсийнинг девонлари, шоира ҳақидаги мақолаларни ўз ичига олади.

Тадқиқот услубияти ва услублари: Ушбу тадқиқот герменевтика тамойиллари асосида амалга оширилади. Шунингдек, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, анализ, синтез каби таҳлил турларидан ҳам кенг фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси: Жаҳонотин Увайсийнинг бугунги кунгача ўрганилмаган ғазаллари, чистонлари, мувашшаҳлари ва бошқа лирик жанрдаги асарларини матний тадқиқ қилиш ҳамда уларни поэтик таҳлил қилиш.

Ишнинг амалий аҳамияти ва тадбиқи: Тадқиқ қилинган илмий мавзунинг натижаларидан, ўрганилган ишнинг материалларидан умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, академик ва касб- ҳунар таълими ҳамда олий таълим муассаларида таълим беришда фойдаланиш мумкин.

I БОБ. Жаҳонотин Увайсийнинг ижодий биографиясига оид янгиликлар

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида Жаҳонотин Увайсий номи истеъдодли шоира сифатида эътироф этилади. Асли марғилонлик бўлиб, Амирий ва Моҳларойим Нодира ҳукмронлиги даврида Қўқонда яшаб, ҳаёти ва ижоди шу ердаги адабий муҳит билан боғланган шоира фаолияти серқирра ҳисобланади.

XX асрнинг 30 йилларида жаид намояндаларидан Чўлпон шоира ижодига эътибор қаратади. Унинг “Увайсий” номли махсус мақоласи “Ёрқин турмуш” журналида чоп этилади. Мақолада миллий шашмақомлардан “Ироқ” куйининг халқ ўртасида кенг тарқалиб машҳур бўлгани, “Забонингни кетургил...” деб бошланадиган ғазал шоира Увайсий қаламига мансублигини айтиб ўтади. Чўлпон шоира ҳақидаги маълумотларни эшитган, билганлари асосида баён қилади, Увайсийнинг шеърларни бадихатан айтадиган, ҳозиржавоб ижодкор бўлганлигини таъкидлайди. Мақола қисқа бўлса ҳам Чўлпоннинг ўтмишдаги ижодкор ҳаёти ва ижодига бўлган эътибори, уни оммалаштириши, тарғиб этиши ўз халқининг миллий ўзлигини англантишга бўлган ҳатти - ҳаракатлари самараси деб баҳолаш мумкин.

Увайсий асарларидан намуналар чоп этилиши ва тадқиқ этилиши турли йилларда О.Шарафиддинов, Ў.Рашид, А.Қаюмов ва Э.Иброҳимова, Ҳ.Раззоқов, Улфат, Ғ.Абдуллаев, Боқир, Т.Жалолов, мустақиллик йилларида М.Қодирова, И.Адизова, А.Турдиалиев ва У.Неъматовлар томонидан амалга оширилган. Шуниси диққатга сазоворки, Э.Иброҳимова Увайсий ҳаёти ва ижоди бўйича махсус шуғулланди, илмий тадқиқотлар олиб борди. Мазкур тадқиқот ишларида шоира ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи қўлёзма манбалар, Увайсийнинг чевараси Холжонбиби Мағзий, академик Авлиёхон Муҳаммадиевдан ёзиб олинган маълумотларга таянилган.

Қайд этиш жоизки, нашр этилган тўпламларда Увайсий ижоди тўла камраб олинган эмас. Тадқиқотчиларнинг маълумот беришига кўра Холжонбиби Мағзий Увайсийнинг қўлёзма девони тўртта бўлгани ҳақида маълумот беради, иккитаси шоиранинг ўз дастхати билан ёзилган бўлиб, йўқолган, қолган иккитаси Лўлиотин томонидан Андижонга олиб кетилган, ҳозиргача ҳам топилмаган.

Андижонлик адабиётшунослар Ҳ.Раззоқов ва А.Сайдалиевлар томонидан топилган Увайсий девонининг учта қўлёзма нусхаси Андижон давлат педагогика институти (ҳозирги Андижон давлат университети)нинг адабиёт кафедрасига топширилган эди. Бу қўлёзмаларнинг олийгоҳ кутубхонаси томонидан қўйилган 138049 ва 138050 рақамли нусхалари бугунги кунда Андижон вилоят Адабиёт ва санъат музейи жамғармасида сақланаётганини музей илмий ходими Ғанишер Қосимов орқали аниқладик. Увайсий девонининг яна бир қўлёзмаси ЎзРФА ШИ (ҳозирги Шарқшунослик илмий маркази) жамғармасида 1837, литографик китоблар фондида 669 рақамлари остида сақланади.

лирик асарлари шу кунгача жамоатчиликка эълон қилинмай қўлёзмаларда қолиб келмоқда. Мумтоз шеъриятимизнинг деярли барча жанрларида

Мавжуд манбаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, шоира Увайсийнинг баракали ижод қилган, ҳатто шеъриятда янгиликлар яратган, жанрлар тақомилига ҳисса қўшган Увайсий асарларини яхлит ва ҳолисона ўрганишни тақозо этади. Собиқ шўро даврида мумтоз бадиий асарларни асл ҳолича чоп этиш ва оммалаштириш имкони бўлмагани сабабли Увайсий асарлари ҳам тўлалигича нашр юзини кўрмаган эди.

Шарқ адабиёти, жумладан, ўзбек адабиётида девон тузишнинг ўзига хос тамойиллари бўлган ҳамда шоира Увайсий ушбу қоидаларга мувофиқ келувчи девон соҳибаси ҳисобланган. Увайсий шеъриятида етакчи жанр ғазал бўлиб, маснавий, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусамман, мустазод, таржиъбанд, таркиббанд, мувашшах, рубоий, туюқ, туюқ фард, чистон, қитъалар ҳам анчагина салмоқлидир.

Девон тузиш анъанасига мувофиқ шоир аввало ҳамд, наътдан сўнг қолган лирик асарларни жойлаштирган. Ғазал байтининг сўнгги ҳарфи араб алифбосидаги ҳарфлар кетма кетлиги асосида бўлиши, бунда 28 та ҳарфнинг барчасига намуна ғазаллар бўлиши шарт ҳисобланган. Шунга кўра шоира Увайсий ижоди намуналари девон тартиб беришга тўла жавоб бера олади дея оламиз.

Андижон вилояти Адабиёт ва санъат музейи жамғармасидаги 138050 рақамли девон қўлёзмаси бошқа мавжуд нусхалардан ҳажман катталиги билан ажралиб туради. Мазкур қўлёзма 210 варақ, яъни 420 бетдан иборат бўлиб, Қўқон варағига ёзилган, муковаланган. Ҳар саҳифада 11, 12 байт ва ундан ортиқ ҳажмда турли жанрлардаги шеърлар жойлаштирилган. Унда ҳижрий 1311 (мелодий 1893) йил санаси бор. Қўлёзма Увайсийнинг эвараси Андижон вилояти Марҳамат туманида яшаган Мағзий таҳаллусли шоира Холжонбиби томонидан настаълиқ ёзувида кўчирилган. Девон қўлёзмаси анъанавий ҳамд билан бошланган. У ғазал шаклида бўлиб, матлаи қўйидагича: *Биҳамдилаҳ, тилимни айладим ҳамдингга ман гўё,/ Бўлуб минқори найдек бош аёғим жумлаи аъзо.* Ҳамд саккиз байтдан иборат, мақтаси: *Заифу хаста зоду ҳазину гунг, лол эрмиш,/ Увайсий қайси тил бирла десун ҳамдингни бар аъло.*

Иккинчи ғазал ҳам ҳамд мазмунида бўлиб, унда “кун” дейилиши ва оламларнинг яратилиши, жаннат ва дўзахнинг пайдо бўлгани, инсонларнинг, яъни султонун ғани (ҳукмдор ва бой) ҳамда муфлису(саргардон) гадо, обид (ибодат қилувчи) ва зоҳид (тарки дунё қилган), сожид (Яратганга сажда қилувчи), ошиқ (ишққа мубтало), ом (омма) ва хос (алоҳида) каби тоифада мавжуд бўлгани хусусида сўз боради. Шоира шафқатсиз кишиларни арига ўхшатиб, *Баъзи занбурки мўминга бергай азо(б)* деб таъкидлайди. Ғазал ўн икки байтдан ташкил топган бўлиб, мақтаси қўйидагича: *Санамим деб бу Увайсий тилидин ёзгон учун,/ Куйдурубсан бу муҳаббат ўтида ё самадо.* Кейинги ҳамд етти байтли бўлиб, унда ҳам Яратганнинг сифатлари баён қилинади. *Қодиру*

қаюмдурсан ҳамдингга рухсат менго мисраси билан бошланувчи яна бир ғазалда ҳам Увайсийнинг ҳаққа мурожаати, майи ваҳдат сўраши, тўғри йўлни топиш (ҳидо) илинжи баён этилади. Ғазалнинг сўнггида шоира Яратганни “карим”, яъни саҳоватли деган сифатига урғу бериб, унинг раҳмат (раҳмнинг кўплиги) дарёсидан ноумид бўлмаслиги ва ўзининг соф дурга айланишини илтижо қилади: *Раҳматинг дарёсидин навмид қўйма, эй Карим,/ Раҳм қилсанг бир нафасда Вайсий ўлур дурри сафо*. Кейинги “Эй ҳақиқат подшоҳи...” деб бошланувчи ғазалда Одам атонинг, шунингдек, неча пайғамбарларнинг дунёга келиб кетгани зикр этилади: *Ул сабаб эрди муҳаббат исмини халқ айладинг,/ Зоти ўз сунъунгни ганжида эрур, эй муқтадо*. Ғазал сўнггида ишқнинг мерос экани, шоиранинг ишқ ўтида бемор бўлгани айтиб ўтилади.

“Аё, саййиди оламайни маҳлиқо,/ Ки даврингда кавкаб эрур анбиё” матлаъли ғазал пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га наът тарзида битилган бўлиб, унинг юзи меҳр (куёш)дан унинг назаридан хок (тупроқ) бир дамда зарга айланиши, сўзлари эса куфр (динсиз, имонсиз) аҳлини имонга келтириши ҳамда жон бағишлаши айтилади. Ундан сўнг келувчи ғазал ҳам наът мазмунида бўлиб, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг соч толаси тавсифи ҳамда унга меърож насиб қилгани ҳақидаги тасвирлар келтирилади. Юқоридаги тавсиф ҳамда васфлар *Қайси тил бирла қилай наът набийни мен адо/ Улки қирон ичрадур васфи руҳи ваи шамс ваззуҳо* матлаъли ғазалда мантиқан ривожлантирилади.

Шоира Увайсийнинг борлиқ ва инсон, ҳақ ва инсон ҳақидаги фалсафий, тасаввуфий қарашлари, рамзий тимсолларга бой мушоҳадалари кўплаб ҳамд ва наътларига сингдириб юборилган. Унинг фикрича, кимки Яратганга ва пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га ўзини муқарраб (яқин) деб билса, ўзидан огоҳ бўлмайди, яъни ваҳдат майидан тотингани учун худ- бехуд ҳолатда бўлади: *Ғамбода сирин кими этар нўш/ Ваҳдат майидур анга муҳайё*.

Девонда йигирмадан ортиқ ҳамд ва наът мазмунидаги ғазаллар учрайди. Алоҳида “наът” сарлавҳаси билан ёзилган шеър мусаддас шаклида битилган. У қуйидаги матлаъ билан бошланган: *Жону дилда дин наътин агар айласа рухсат,/ Маҳбуби худо соҳиби ул меҳри нубувват.* Мусаддас олти банддан ташкил топган бўлиб, ҳар банднинг охири *Меърож туни ҳақ анга берди майи ваҳдат,/ Юз шукр худо бизни аларга деди уммат* байти билан такрорланади.

Айниқса, шоиранинг чистон жанрида самарали ижод қилгани эътиборга сазовор. Увайсий ижоди хусусида сўз борган адабиётларда одатда “Анор” чистони келтирилади. Адабиётимиз тарихида илк чистон намунаси Алишер Навоий қаламига мансуб деб таъкидланади. Унинг “Бадое ул бидоя” девонига кирган чистонлари ўнта бўлса, бизнинг аниқлашимизга кўра Увайсий чистонлари элликдан ортиб кетади. Юқорида келтирилган Андижон вилоят Адабиёт ва санъат музейи жамғармасидаги 138050 рақамли қўлёзма таркибида шоиранинг шу кунгача чоп этилмаган чистон намуналари билан жами эллик учтани ташкил қилади.

Хулоса қилиб айтганда, шоира Увайсий ижодида мумтоз шеъриятимиздаги девон тузиш анъанасига риоя қилинган; лирик жанрларнинг барча турига намуналар учрайди; шоира чистон жанрини устоз шоирлар анъанасини давом эттирган ҳолда сон ва сифат жиҳатдан бу жанрни такомилга етказди; Увайсий шеъриятида анъанавий ҳамд ва наътларнинг намуналари йигирмадан ортиқ; Увайсий ўз давридаги ижодкорларга нисбатан салмоқли ва мазмунан кенг кўламда ижод этгани янги топилган шеърый асарлари орқали тасдиқлаш мумкин.

1.1 Жаҳонотин Увайсий ҳаёти ва ижодининг ўрганилиш тарихи

XIX аср ўзбек адабиётида шоиралар силсиласини бошлаб берган ижодкор шоира Увайсийдир. Унинг лирик шеърларидан иборат девони, “Шахзода Ҳасан”, “Шахзода Ҳусайн”, “Воқеоти Муҳаммад Алихон”, “Бобо Равшан” дostonлари адабиётимиз тарихида муҳим ўрин тутди. Увайсий ижоди ундан кейинги шоиралар ижоди шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатган. Унинг бир қанча шеърлари халқнинг севимли кўшиқларига айланиб кетган. Бу ҳақда Чўлпоннинг 1933 йилда эълон қилинган “Увайсий”¹ мақоласи фикримизнинг ёрқин далилидир. Мақолада шоиранинг “Забонингни кетургил, эй шакарлаб тўти, гуфтора” деб бошланувчи ғазали машҳур “Ироқ” куйи асосида айтилиши ҳақида маълумот берилади ва шоирани Жаҳонойи номи билан тилга олади. Ушбу мақолада Жаҳонотин Увайсийнинг ҳаёти ҳақида ҳам қимматли маълумотлар беради. Хусусан, шоиранинг “Забонингни кетургил, эй шакарлаб, тўти гуфтора” деб бошланувчи ғазали классик мақомлар орасидан кўпчиликка манзур бўлган “Ироқ” куйида кўшиқ қилиб айтилгани ва бу куй Бухоронинг шашмақомчи ҳофизлари орасида янада оммавий эканлиги таъкидлаб ўтилган. Ушбу кўшиқ “Ҳалима” пьесасининг қайта ишланган вариантыда бош қаҳрамон Халиманинг арияси сифатида сахнада янграгани ва уни марҳум Турсуной, сўнгра Ҳалима Носир қизи, Назираойлар, Абдилҳақ Султонов, Раҳимберди Бобожонов, Бобораҳим, Карим Зокирий, Қўлдошев ва бошқалар тамонидан ижро этилгани айтиб ўтилган. Чўлпон ўз мақоласида Жаҳонотин Увайсийнинг таҳаллуси хусусида тўхталиб, исмини “Эваз” радифли ғазалида бундай қилиб билдирганлиги таъкидланади:

Йўқотиб ўзни фано мартабасига ета кўр,

Вайсий номим менинг ул номи Жаҳонимга эваз.

¹Абдулҳамид Чўлпон. Увайсий. // Ёрқин турмуш.- Т. 1933 й. 3-сон. 23-бет.

Мақолада шоирани Чўлпон Жаҳонийи деб атаган ва унинг ҳаёти ҳамда ижоди ҳақида бир қатор маълумотлар берган. Жаҳонийи аслида Марғилондан эканлиги, Қўқонга эса шоирларнинг адабий гурунглирида иштирок этиш учун боргани ва маслаҳатларга амал қилган ҳолда қари кампир қиёфасида адабий давраларда иштирок этгани ҳақида гапирилган. Дастлаб шоирани адабий давраларга киритмайдилар, лекин шоира “Забонингни” дея бошланган ғазалидан бир байт ёзиб, шоирлар мажлисига киритади:

**Мени “Латадхулу” деб маҳрум этма, боғбон аҳли,
Азал дегани бағрим қонини тўккан бу гулзора.**

Шундан сўнг шоирани шоирлар мажлисига киритилганлиги, лекин у ерда қари кампир эмас, балки ёш, гўзал жувон эканлиги маълум бўлиб қолиши ва Жаҳонийини бирон бир “фитна” чиқмасин деб дарҳол сарой ичкарисига киритиб юборилгани айтиб ўтилган. Жаҳонийи Умархон саройида қолиб, “Жаҳон отин” номи билан шуҳрат топгани ва саройда яшаган вақтида Марғилоннинг Қаландархона деган жойига яхши бир сиркорлик уй солдиргани ва ўша иморат Чўлпоннинг даврида ҳам сақланганлиги таъкидланган.

Мақола сўнгида шоиранинг асарлари санаб ўтилган: “Карбаломна”, “Девон”и, Муҳаммадалихонга бағишланган “Хитой сафари”(яъни “Воқеоти Муҳаммадалихон”).

Мақола сўнгида Жаҳонотин Увайсий бадеҳагўй шоира эканлиги айтиб ўтилган: Бир куни дастурхон устида анорни кўрсатиб, шу тўғрисида шеър айтишини илтимос қиладилар. Шоира машҳур “Анор” чистонини экспромт усулида битгани Чўлпон тамонидан таъкидланади ва ушбу асар намунаси тўлалигича мақолада келтирилади:

**Бу на гумбаздир, эшиги, туйнугидин йўқ нишон,
Неча гулгунпўш қизлар манзил айлабдир макон.
Синдириб гумбазни қизлар ҳолидин олсам хабар:
Юзларида парда тортиғлик, турурлар бағри қон.**

Чўлпон мақолада ушбу чистонни ижтимоий ҳаётга боғлаб адабий таҳлил қилган.

Шоиранинг ҳаёти ва ижодига қизиқиш, асосан, 1940 йилларда янада кучайди. Шоира ҳақида қисқача маълумот ва шеърларидан намуналар 1945 йили чоп этилган “Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси”²нинг II томида, 1948 йили нашр этилган “Ўзбек поэзияси антологияси”да эълон қилинди. 50-йиллардан бошлаб шоира ҳақида илмий мақолалар ҳам ёзила бошлади. Абдулла Олимжон, Ўткир Рашиднинг илмий мақолалари ҳамда Тўхтасин Жалоловнинг 1959 йили нашр этилган “Ўзбек шоирлари”³ номли китоби Увайсий ҳаёти ва ижоди ҳақида нисбатан кенгроқ маълумот берувчи асарлардир.

Увайсийнинг А.Қаюмов ва Э.Иброҳимова нашрга тайёрлаган нисбатан тўлиқ девони ҳам 1959 йили Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан чоп этилди.

Атоқли адабиётшунос олим Азиз Қаюмовнинг 1961 йили нашр этилган “Қўқон адабий муҳити”⁴ номли китобида Увайсий ҳаёти ва ижодига алоҳида фасл ажратилиб, шоира асарлари атрофлича таҳлил этиб берилган.

Адабиётшунос Эътибор Иброҳимова эса Увайсий ҳаёти ва ижоди ҳақида махсус илмий тадқиқот яратиб, филология фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

1959 йил охирларида Ҳ. Раззақов ва А. Сайдалиевлар Увайсий ижодига оид қатор мақолалар⁵ эълон қилишади.

1960 йилларда Ҳ. Раззақов ва А. Сайдалиевлар Жаҳонотин Увайсий авлодлари қўлида сақланаётган 3 та қўлёзма девонни қўлга киритадилар. 1963 йили яна бир девони Ҳ.Раззақов бошчилигида чоп этилди.

П.Қайюмов “Тазкираи Қаюмий”⁶ асарида шоира ҳақида қимматли маълумотлар берган ва асарларидан намуналар келтирган.

² Ўзбек адабиёти хрестоматияси. II жилд. О. Шарафутдинов. –Тошкент. 1945 й. 240-245 бетлар.

³ Тўхтасин Жалолов. Ўзбек шоирлари. –Т. 1970 й. 39-76 бетлар.

⁴ А. Қаюмов. Қўқон адабий муҳити. Тошкент. 1961. 240-243 бетлар.

⁵ Ҳ. Раззақов. А.Сайдалиев. Шоира Увайсий. Коммунист. 1959 й. 11 ноябр.

Ҳ. Раззақов. А.Сайдалиев. Ўзбекистон маданияти. Ҳ.Р.А.С. 1959 й. 23 декабр.

Шоира асарлари 1983 йили И.Қосимов, А.Валихоновлар томонидан “Кўнгил гулзори” номи билан нашр этилди.

Увайсий асарлари 1963 – 1993 йиллар давомида Э.Иброҳимова, М.Қодирова, И.Қосимов, А.Валихоновлар томонидан бир неча марта нашр этилиб, адабиёт ихлосмандларининг севимли мулкига айланди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ҳар бир соҳада бўлгани каби адабиётда ҳам муҳим ўзгаришлар кузатила бошлади. Айниқса, собиқ тузум даврида ўрганилган манбалар мазмуний-ғоявий жиҳатдан қайтадан ёндашишни талаб қилар эди.

Жаҳонотин Увайсий ижоди ҳам совет даврида ўрганилган, аммо собиқ шўро шоиранинг фақатгина ўзларининг мафкурасигагина хизмат қилувчи жиҳатларига эътибор қаратади. Шоиранинг жамиятдан, турмушидан, яшаш тарзидан шикоят қилиб ёзган асарларига кўпроқ аҳамият берилган. Мактаб дарсликларига ҳам юқорида таъкидлаб ўтилган мавзудаги асарлари киритилган. Масалан, “Доғ ўлди, доғ ўлди”, “Соғиндим”, “Увайсийман” радибли ғазаллари ва ”Анор”, “Ёнғоқ”, “Кун ва тун” номли чистонлари.

Увайсийнинг фалсафий мушоҳадали, тасаввуфona, диний руҳ билан суғорилган шеърлари ва асарларига замона зайли билан нисбатан кам эътибор қаратилган. Аҳамият берилса ҳам пессимистик руҳдаги асарлар деб баҳо берилган. Айниқса, бундай баҳо бериш шоиранинг 1959 йили эълон қилинган девони кириш қисмида кузатилади:

Жаҳонотин Увайсий ижодига ўзгача нигоҳ билан қараб, янгича талқин қилиш орқали Иқболой Адизова увайсийшуносликда том маънода туб бурилиш ясади. Олиманинг хорижий мамлакатларда ва Республикамиз матбуотларида эълон қилинган бир қатор мақолаларида шоира ижодига ўзгача ёндашув сезилади⁷. Айниқса, “Ўзбек тили ва адабиёти”

⁶ П.Қаюмий. Тазкираи Қаюмий. Т.1998 й.

⁷ Адизова И. Увайсий шеърларида чистон жанри. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008 й. 3-сон. 11-14 бетлар.
Адизова.И. Украшение стихотворение. Actual problems of the theory and practice of philological researches.- Pragua 2014.

журналининг 2008 йил 3-сонида эълон қилинган “Увайсий шеъриятида чистон жанри” мақоласида Иқболой Адизова Алишер Навоий ва Жаҳонотин Увайсий чистонларини қиёсий таҳлил қилади ҳамда шоиранинг чистонларига юксак баҳо беради. Бадиий –ғоявий жиҳатдан Увайсий чистонлари Алишер Навоий чистонларидан қолишмаслигини эътироф этади. Мақолада шоиранинг чистонлари сони академик Авлиёхон Муҳаммадиевнинг гувоҳлигига кўра 200 дан зиёд эканлиги айтиб ўтилган. Академикнинг таъкидлашича, Жаҳонотин Увайсий Авлиёхон Муҳаммадиев эна(буви)сининг энг яқин дугоналаридан бўлган. Шоира ёш Авлиёхонга кичикроқ бир китоб совға қилади. Унда 200 дан ортиқ чистон мавжуд бўлиб, хусусан, “ араванинг ўқи”, “қовуннинг тилиги” каби бугунги кунда адабиёт ихлосмандларига номаълум бўлган чистонларини ёд олганини эътироф этади, лекин бугунги кунда Увайсий чистонларининг адабиётимизга 13 таси маълумлиги адабиёт ихлосмандларини қизиқтириб қўйди. Хўш қолган чистонлари қаерда?

Олиманинг “Матой рамзга бозордурман ишқида” мақоласида шоира шеърлари тасаввуф нуқтаи назаридан таҳлилга тортилган. Бу мақолада тасаввуфий истилоҳлардан бири бўлмиш бозорнинг маъно моҳияти ҳақида атрофлича тўхтаб ўтилган. Бозор истилоҳи бошқа сўфий шоирларда нима маъно англатади-ю, Жаҳонотин Увайсий ижодида қандай маъно нозикликларига эга. Ушбу мақола юқоридаги масалаларга тўла жавоб беради.

“Украшение стихотворение” мақоласида Иқболой Адизова Жаҳонотин Увайсий мумтоз адабиётимизда радифдан энг кўп ва самарали фойдаланганини таъкидлайди. Ҳақиқатдан ҳам, Жаҳонотин Увайсий қаламига мансуб 200 дан зиёд шеърда радифдан унумли ҳамда ўринли фойдаланилганлиги ушбу мақолада айрим ғазаллари мисолида ишонарли тарзда асослаб берилган.

Жаҳонотин Увайсий асарлари 2010 йилда яна бир бор нашр қилинди⁸. А.Турдиалиев ва У.Неъматовлар илгари чоп этилган девонларни қайта ишлаб, тўлдириб, мукаммаллаштириб адабиёт ихлосмандларига тақдим қилишди.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, Жаҳонотин Увайсийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида кўп ишлар қилинди, аммо шоиранинг ижодий маҳорати ўзбек адабиёти ихлосмандларига тўлиқ очиб берилгани йўқ. Шу кунгача чоп этилган девонларидаги асарлари ҳали якунига етказилмаган. Бунга Андижон шаҳридаги Адабиёт ва санъат музейидан топилган, Ҳ. Раззақов, А.Валихонов ва И. Қосимовлар тамонидан тўлиқ ўрганилмаган, илгари Андижон педагогика институти (ҳозирги Андижон давлат университети) кутубхонасида 138048, 138049, 138050 инвентар рақамлари билан сақланган девонларни кўриб чиқиб амин бўлдик. Ушбу девонларда ҳали ўрганилмаган турли жанрлардаги асарлар мавжуд. Маълумки, шоиранинг шу кунгача 269 ғазал, 29 мухаммас, 55 мусаддас, 1 мурабба ва 13 чистони ўрганилган, аммо юқорида инвентар рақамлари келтирилган девонларини кўздан кечиргач, бу жанрдаги рақамлар тўлиқ эмаслигига ишонч ҳосил қилдик. Бунга собиқ тузум даврида диний-тасаввуфий руҳдаги асарларини чоп этиш ҳавфли бўлганини, юқорида инвентар рақамлари келтирилган девонларини узоқ вақт топилмагани сабаб қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Илмий ишимизда ҳали ўрганилмаган асарларини матний тадқиқ қилишга ва поэтик жиҳатдан ишлашга ҳаракат қилдик.

Ишимизни бошлашдан илгари Жаҳонотин Увайсийнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда таҳаллуси масаласига қисқача тўхтаб ўтсак:

Шу кунгача эълон қилинган манбалардан маълум бўлишича, шоиранинг асл исми Жаҳон бўлиб, у 1779 йилда Марғилоннинг Чилдухтарон маҳалласида маърифатли оилада дунёга келган. Унинг отаси Сиддиқ деган киши бўлиб, икки тилда шеърлар ёзган. Таҳаллуси Хожи

⁸ Увайсий. Мазмун маъдани. Тузувчилар: А. Турдиалиев, У.Неъматов. –Т., 2010 й. –Б.224.

бобо бўлган. Онаси Чиннибиби эса мактабдорлик билан шуғулланган. Хат-саводини ўз оиласида чиқарган Жаҳон аввал онасининг мактабида халфалик қилган. Кейинчалик ўзи ҳам мактабдорлик билан шуғулланиб, “Жаҳон отин” номини олган. Жаҳон отиннинг шеърятга қизиқишида, аруз илмини ўрганишида акаси Охунжон ҳофизнинг хизматлари каттадир. Айтишларича, шоира охунлардан(оқсуяклардан) бўлган, шунинг учун бўлса керак, Жаҳонотинни ўн етти ёшида марғилонлик оқсуяклардан бўлмиш косиб Ҳожихон деган кишига турмушга берадилар. Улар оиласида бир қиз ва бир ўғил дунёга келади. Қизининг исми Қуёшхон, ўғлининг исми эса Муҳаммадхон эди. Аммо эри Ҳожихон узоқ яшамай вафот этади. Ўша вақтларда шоира эндигина йигирма ёшларда бўлган. Фарзандларини Жаҳон отиннинг ўзи танҳоликда тарбиялаб, вояга етказди ва иккала фарзанди ҳам маърифатли, шеърятни нозик хис қилувчи инсонлар бўлиб етишадилар. Ўғли Муҳаммадхон “Мажнун”, қизи Қуёшхон эса “Ҳокӣй “тахаллусида гўзал шеърлар битишган. Жаҳонотин Увайсий Умархон даврида фаровон ҳаёт кечирган. У ҳарамдаги жория қизларга устозлик қилган, Қўқон маликаси Моҳларойим Нодиранинг энг яқин маслакдошларидан бири бўлган ва маълум маънода устозлик ҳам қилган, чунки иккала шоирада ҳам бир-бирларига ҳамоҳанг шеърлар кўплаб ўринларда учрайди. Увайсийнинг **“Сочилди не сабабдин жолалар чашми хуморингдин”** деб бошланувчи ғазали Моҳларойим Нодиранинг машҳур **“Фигонким, гардиши даврон айирди шахсуворимдин”** дея бошланувчи ғазалига бадийй ва ғоявий жиҳатдан тўла ҳамоҳанг тарзда яратилган. Ҳар икки ғазалнинг қофиялари, тасвир воситалари, лирик қаҳрамон кечинмалари бир-бирига жуда уйғун тарзда яратилган. Ҳар икки шоиранинг ижодида бир-бирларидан илҳомланиб яратилган шеърят дурдоналари кўплаб учрайди.

Умархон шоиранинг шоиралик ва педагогик маҳоратини юксак қадрлаган. Марғилонликларнинг гувоҳлик беришича, Жаҳонотин Увайсий Қўқонда яшаб юрган кезларида ҳар-ҳар замонда ота уйи Марғилонга келиб

турар экан. Кунлардан бир куни Амир Умархон Наврӯз байрами арафасида шоирани хурсанд қилиш мақсадида Марғилондаги шоиранинг ота уйини таъмирлатиб, баъзи жойларини янгидан тиклатиб, икки хонали уйнинг олдига устун қурдиради. Хон бу устунларга ўзининг, рафикаси Нодирабегимнинг ҳамда Увайсийнинг сара ғазалларидан намуналарни олтин суви билан ёздиради. Шоира байрам арафасида қизи Қуёшхонни етаклаб ота уйига келади ва уйини таний олмасдан роса ахтаради. Жаҳонотин қарасалар ота ховлисидаги тут дарахти савлат тўкиб турибди, аммо уйлари ўзгариб қолган. Бўлган воқеадан хабардор бўлгач, шоира жуда қувонади, Амир Умархондан ғоят мамнун бўлади. Шўро даврида шоиранинг ота ховлисига яқин жойда истиқомат қилган Хабибахон қизи Манзурахоннинг гувоҳлик беришича, уларнинг болалик чоғларида шоиранинг ота ховлисига қарашли уйда, ҳақиқатдан ҳам, юқорида айтиб ўтилган устун мавжуд бўлган, лекин 1960-йилларда бу устунлар араланиб, ўша пайтлардаги раҳбарлар томонидан юк машинасига юклаб берилган. Кейинчалик шоиранинг ижоди билан қизиққан Ётибор Иброҳимова ҳамда Маҳбуба Қодировалар ушбу устунни турли жойлардан суриштириб топа олмаганлар. Жаҳонотин Увайсийнинг уй-музейига борганимизда шоира давридаги тут дарахти ҳамон кўкка бўй чўзиб турарди.

Увайсийнинг ижодига назар ташлаб, бирор жойда Умархонни қоралаган ёки ундан ранжиган ўринларга дуч келмадик, қайтага, хондан миннатдорлиги, қандай масалада бўлмасин тортинмай сўрай олиши кўпгина ўринларда учраб туради:

**Ғами дилдин кима дей, сан киби ғамхор туриб,
Арз этай кимлара мен, шоҳи хабардор туриб.**

**Дема гулбарглари инжудек афғониким,
Қай сари нола қилай, орази гулзор туриб.**

Бева, мазлуми сиях бахт, ғарибингдурман,

Ярашур кимға мурувват мени бемор туриб.

Вайсий фарзандлари чўнг бўлди тилар тўй кимдин?

Сан киби шоҳи жаҳонгиру жаҳондор туриб.

Жаҳонотин Увайсий ҳаёти ва ижодий фаолиятининг бир қисми малика ҳамда шоира Нодирабегим ҳурмати, илтифоти туфайли хон саройида кечади. Бу ердаги қизғин ижод учун керакли адабий муҳит , фарзандларининг яшаши ва тарбияси учун қулай шароит шоиранинг бир неча йиллар осойишта ҳаётини таъминлади. Чўлпоннинг” Увайсий” мақоласидан ва шоиранинг ҳасби ҳол шеърларидаги маълумотларга таянган ҳолда айтишимиз мумкинки, Жаҳонотиннинг молиявий аҳволи яхшиланиши, ҳашамдор уй қуриши Умархоннинг ҳукмдорлик қилган даврларга тўғри келади. Увайсий Амир Умархоннинг кўплаб ғазалларига татаббу ёзган ва кўпгина ғазалларига муҳаммас боғлаган. Бу ҳолат икки ижодкор бир-бирларини кадрлаганликларини кўрсатади.

1822-йилда Амир Умархон вафот этгач, Увайсий учун ҳам ташвишли ва қайғули кунлар бошланади. Отасининг ўрнига тахтга ўтирган Муҳаммад Алихон унга яхши муносабатда бўлмади. Ўғли Муҳаммаджон ўн етти ёшида Қошғарга қарши жангларга мажбуран сарбозликка олинди. Увайсий ёлғизгина ўғлини сарбозликдан қайтаришни ўша даврдаги хон Мадалихондан ўтиниб сўрайди. Бу ҳақда маълумот берувчи бир қанча шоиранинг ғазаллари мавжуд, аммо Муҳаммаджон сарбозликдан қолдирилмаган кўринади. Ўғли сарбозликка кетгач, шоира соғинч ва изтиробларга йўғрилган қатор шеърлар ёзади, фарзандининг тақдирдан хавотирга тушади:

Буқун, эй дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим,

Гадо бўлсам не айб, ул шоҳи давронимни соғиндим.

Мусофирман, ғарибман, бекасу ҳам бенаводурман,

Вужудим дардга тўлди, эмди дармонимни соғиндим.

**Тилимнинг зикрию, кўнглимнинг фикри, яхши фарзандим,
Азизим, ёлғизим, давлатли султонимни соғиндим.**

**Кеча-кундуз йўлига мунтазирдирман, тикарман кўз,
Келиб ҳолим сўрибон кетса, меҳмонимни соғиндим.**

**Насибин узмади тангри, иложин топмағай келса,
Онам деб бўлғуси бағри қизил қонимни соғиндим.**

**Қоронғи бўлди олам кўзима ушбу жудоликдин,
Кўзу кўнглум зиёси моҳи тобонимни соғиндим.**

**Мани бекас Увайсий, йиғлагайман рўз-шаб тинмай,
Уйимнинг зийнати, кўз равшани, хонимни соғиндим.**

Ушбу ғазал шоиранинг шоҳ ғазалларидан бири ҳисобланади. “Соғиндим” радибли ғазал арузнинг ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган. Унда кўплаб шеърий санъатлардан моҳирлик билан фойдаланилган. Масалан, ғазалнинг мақтаёсида тазод шеърий санъатидан унумли фойдаланилган:

**Букун, эй дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим,
Гадо бўлсам не айб, ул шоҳи давронимни соғиндим.**

Ушбу байтнинг 2- мисрасида қўлланилган “ гадо” ва “шоҳи даврон” сўзлари орқали тазод, яъни қаршилантериш юзага келган.

Ғазалнинг 2- байтида эса таносуб шеърий санъатининг гўзал намунасидан унумли фойдаланилган. Ушбу шеърий санъат “ мусофир”, “ғариб”, “ бекас”, “ бенаво”; “ вужуд”, “ дард”, “ дармон” каби сўзлар воситасида юзага келган..

**Мусофирман, ғарибман, бекасу ҳам бенаводурман,
Вужудим дардга тўлди, эмди дармонимни соғиндим.**

Кейинги байтда лафф ва нашр шеърий санъатидан фойдаланилган.

**Тилимнинг зикрию, кўнглимнинг фикри, яхши фарзандим,
Азизим, ёлғизим, давлатли султонимни соғиндим.**

Навбатдаги байтдаги сўзлар яхлитланиб, таносуб шеърий санъатини юзага келтирган. Ушбу байтнинг 1- мисрасида ишлатилган “ кеча-кундуз” сўзлари тазод шеърий санъатини юзага келтирган.

**Кеча-кундуз йўлига мунтазирдирман, тикарман кўз,
Келиб ҳолим сўрибон кетса, меҳмонимни соғиндим.**

Кейинги байтда қўлланган “ бағир”, “ қизил”, “ қон” сўзлари воситасида таносуб шеърий санъати юзага келган.

**Насибин узмади тангри, иложин топмағай келса,
Онам деб бўлғуси бағри қизил қонимни соғиндим.**

Бегона байтда эса 1- мисрадан келиб чиққадиган мазмун 2- мисрадаги мазмунга тўла қаршилантеришни юзага келтириб, тазод шеърий санъатини яратган.

**Қоронғи бўлди олам кўзима ушбу жудоликдин,
Кўзу кўнглум зиёси моҳи тобонимни соғиндим.**

Ғазалнинг мактаъсида тазод (рўз-шаб), лафф ва нашр(уйимнинг зийнати, кўз равшани, хонимни) шеърий санъатини юзага келтирган.

**Мани бекас Увайсий, йиғлагайман рўз-шаб тинмай,
Уйимнинг зийнати, кўз равшани, хонимни соғиндим.**

Шоиранинг фарзанди Муҳаммаджон мусофирликда, шафқатсиз жангохларда вафот этди. Муштипар онанинг Маъдалихонга ҳар қанча ялиниб-ёлборишлари таъсир қилмаган кўринади. Муҳаммаджон Қашқар учун олиб борилган жангда ҳалок бўлади.

Оилавий турмуши бахтсиз кечган қизи Қуёшхон касалланиб, ўттиз ёшида вафот этади. Ундан Биби Хадича исмли қизчаси етим бўлиб қолади ва бу қизалоқ бувиси Жаҳонотин Увайсий тарбиясида улғая бошлайди.

Ёш жувонлик даврида ҳам, кейин ҳам шоирага кўпчилик уйланмоқчи бўлган, аммо Жаҳонотин кўз очиб кўрган умр йўлдоши Хожихонга унинг

вафотидан сўнг ҳам бевафолик қилмади, жондан азиз фарзандларини бегонанинг этагига солишни истамади. Ёлғиз ўзи фарзандларига ғамхўрлик қилди. 1963-йилда нашр қилинган Увайсий девонининг кириш қисмида шоиранинг ҳаётига оид шундай маълумотлар учрайди: Муҳаммад Алихон Қашғарга қарши олиб борган жангларида ергаштириб келган Ҳасан баққол шоираникида ижарага туради, аммо бундан асосий мақсад Жаҳонотинга уни ичкуёв қилиб уйлантириш эди. Муаллифларнинг фикрича, хон шоирани оддий бир ожиза сифатида кўриб, унга турмуш ўртоқ топиб, Ҳасан баққолга бир беванинг умр бўйи йиғиб- терганини беҳаёларча тортиб олиб бериб, унга эҳтиром кўрсатмоқчи бўлган. Фикримизча, бу хатога ўхшайди, чунки Жаҳонотин Увайсийнинг шу воқеадан кейинги шеърлари бу ҳақда асосли маълумот беради:

**Қил амон, ёраб, адувлар можаросидин мени,
Сақлағил осий бу мардумнинг изосидин мени,
Сер айла лутфи султонлар атосидин мени,
Қил жудо бул бахту толелар қаросидин мени,
Қутқар, эй хоним, Ҳасан баққол балосидин мени,
Қилғон ул беҳуда ҳам жабру жафосидин мени.**

**Қошғар юрти бузулди- келди, бердим хонумон.
Бош суқарға жой тополмай юрган эркан бемакон,
Яхшилиқ қилдим, уйимга, этмадим доду фиғон,
Чиқмайин жойи имомдин, айлади бағримни қон,
Қутқар, эй хоним, Ҳасан баққол балосидин мени,
Қилғон ул беҳуда ҳам жабру жафосидин мени.**

**Ул мударрис сотти деб, солди бу кўнглумга ғубор,
Охири бўлди алар кори қошингда ошкор,
Раҳм этиб, арзимга еттинг сен, дединг:” Эй Тунқатор,
Йўқ замонимда менинг зўрлик!”- дединг, эй шахриёр,**

**Қутқар, эй хоним, Ҳасан баққол балосидин мени,
Қилғон ул беҳуда ҳам жабру жафосидин мени.**

**Қозилар олдида бердим ўн икки тиллосини,
Ёна беш тиллони бердим, мен пулни фойдосини,
Рози қилди қозилар, ман айлади, иғвосини,
Ёна чиқмас жойидин, ялғон қилур даъвосини,
Қутқар, эй хоним, Ҳасан баққол балосидин мени,
Қилғон ул беҳуда ҳам жабру жафосидин мени.**

Шоира таржеъбандининг 2- бандидан кўринадики, Қашғардан келиб қолган Ҳасан баққолни Муҳаммад Алихон Увайсийнинг уйига мажбурлаб киритган эмас, унинг ўзи мусофирга раҳми келган ҳолда бошпана берган. Ҳасан баққол шоиранинг уйида ижарага тургани таржеъбанднинг сўнгги бандида яққол намоён бўлади. Шоира қозилар ёнида Ҳасан Баққолга ижара ҳақи учун олган ўн икки тилло ҳамда ижарага олган пулнинг фойдаси (проценти)гача, яъни беш тиллони ҳам қайтганини ўз сўзлари билан тасдиқлайди. Зеро, шоиранинг ўз асаридан ҳаёти ҳақида яхшироқ маълумот берувчи манба топилмаса керак. Шоира ўғли ва қизининг вафотидан сўнг Қўқондаги уйдан ҳам айрилган кўринади. Нодирабегимнинг маслаҳати билан Жаҳонотин Увайсий Марғилонга қайтади. Муҳаммад Алихон шоиранинг илтимосларини амалга оширмагани учун бўлса керак, унга бағишланган “Воқеоти Муҳаммадалихон” достони тугалланмай қолади, Увайсийнинг хондан ихлоси қолган кўринади. Қолган бутун умрини шоира набираси Хадичани тарбиялашга ва бадий ижодга сарф қилади. Ижтимоий ҳаётдан қийналган, турмуш ўртоғи Хожихондан ва жондан азиз фарзандларидан бевақт жудо бўлишдек оғир жудоликлар шоиранинг қаддини букди, жамиятда эркак ва аёлларнинг ҳуқуқий тенгсизлиги, нотинч замонанинг залварли юки шоирани нозик елкаларига оғирлик қилди, гул каби нафис кўнглини ранжитди:

**Замона кулфатидин бу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди,
Бу чархи бемурувватдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.**

**Жароҳат бўлди бағрим тиғи бедоди рақиблардин,
Бу кўтах мардуми нофаҳмдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.**

**Бу гулзори фано ичра маҳалли бе ҳалал йўқтур,
Ҳамиша хорадин захму, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.**

**Фано мардумларини сирридин ҳеч кимса оғах йўқ,
Қабих гуфтор мардумдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.**

**Кўнгул қони бу роҳи дийдадин бир лаҳза банд ўлмаз,
Вужудим изтироб айлаб, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.**

**Тўлубдур бағрим ичра жон мисоли ғунча найлармен,
Очилмай гул сифат ушбу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.**

Шоира турли маиший, зулм кирлари билан кирланган кўнглини маърифат, шеърят суви орқали ювиб, қуруқшаган жисмига жон киргизган бўлса, не ажаб. Шеърят Жаҳонотин Увайсийнинг ягона юпанчи, сирдоши бўлгани асарларидан кўриниб турибди.

Жаҳонотинда шеър ёзишга ҳавас анча эрта уйғонган бўлиб, у “Увайсий”, “Вайсий” таҳаллусидаги лирик шеърлари билан тез орада элга танилади. Баъзи маълумотларга кўра, Увайсий амир Умархон ҳукмронлиги даврида Қўқонга келиб, саройдаги мушоираларда иштирок этган. Қўқонлик адабиётшунос олим Пўлатжон Қайюмовнинг (1885 – 1964) “Тазкираи Қайюмий” асарида ёзилишича, Увайсий амир Умархоннинг вазири Қосим оталиқнинг укаси Нақибга қариндош бўлгани учун шу ерга келиб турган. “Тазкираи Қайюмий”да бу ҳақда, жумладан, шундай ёзилади: “Баъзиларнинг айтишича, Оталиқнинг укаси Нақибнинг хотунига

якинроқ қариндош бўлганидан шунда турди. Бир-икки йилдан сўнгра шоиралиги билан шуҳратланди ва овозаси хоннинг харамсаройига маълум бўлгач, Моҳларойим ўз ҳузурига қабул этди ва унга мушфиклик этиб, харамда ўзига муносиб бир ўрун кўрсатди. Умархоннинг ўзидан ҳам қочар, одоби таълимда ягона эди, деб мулла Салоҳжон маҳдум қозидан эшитиб, шоир Мирзойи Хўқандий сўзлаб эди”. Шундан сўнг шоиранинг тақдири қуйидагичакечди: 1842 йили Бухоро амири Насрулло томонидан Қўқон босиб олингач, Увайсий Марғилонга қайтиб кетган ва умрининг охиригача ижод билан шуғулланиб, 1845 йилда, тахминан 65, айна ижоди гуркираган ёшида вафот этган.

Увайсийдан бизга салмоқли адабий мерос қолган. У умри давомида 4 девон тузганлиги маълум.

Жаҳонотин Увайсий ўзбек мумтоз адабиётида ўз ўрнига эга ижодкор ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, шоиранинг асл исми –Жаҳонотин, Увайсий эса унинг тахаллусидир. Шарқ шеърлятида тахаллус қўллашнинг бир неча тури мавжуд бўлиб, агар ижодкор ўзи туғилган жойга ишора қилса, тахаллуси нисба дейилади. Ёки ижодкор ўзининг ғоявий нияти, мақсади, ҳаёт давомидаги эътиқодий қарашлари асосида тахаллус танлайди. Тахаллус қўллаш хусусида шоиранинг ўз ижодида талайгина баҳо-муносабатлар борлигини кузатиш мумкин:

Сўзни ваҳм этмай дегил ҳозир билиб соҳибқирон,

Тарбият қилса нетонг номиға Вайсул- қаран⁹.

Хўш, шоира тарбият қилишини сўраётган зот- Вайсул Қаран ким?!

Алишер Навоийнинг 770 та шайх ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Насойим ул – муҳаббат» асарида биринчи сўфий сифатида ҳазрати Пайғамбаримизнинг замондоши ва муҳиби Увайс Қараний тилга олинади.

Ислом оламида Расулуллоҳ(соллаллоҳу алайҳи васаллам)га ғойибона ошиқ бўлганларнинг сардори сифатида машҳур бўлган бу

⁹ Увайсий. Девон. Тузувчилар:Қаюмов А. ва Иброҳимова Э. Тошкент, 1959 йил. 218-бет.

зот Яманда истиқомат қилувчи Мурод қабиласининг Қарн уруғидан бўлган. У Пайғамбаримиз билан бир – бирларидан унчалик узоқ бўлмаган жойда яшаган бўлсалар-да, уларга кўришиш насиб этмаган.

Алишер Навоийнинг “Насойим ул – муҳаббат” асарида Ухуд жангида Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак тиши синганини эшитган Увайс Қараний ўзининг ўттиз икки тишини бирма – бир суғуриб ташлаганини келтириб ўтган.

Увайсий йиғламоқдин манъ бўлмоғлиғ на боисдур ,

Жафоу жавринги тортиб ўшал Вайси Қаран йиғлар¹⁰ , -

дея ул зотнинг хислатлари ҳақида тўхталмоқда.

Муҳаммад алайҳиссалом ҳам ўзига замондош саҳобалари ҳамда умматлари ичида кўрмай туриб, Увайс Қаранийга алоҳида икром ва эъзоз билан меҳр қўйганлар. Ҳазрати Умар ибн Хаттобдан ривоят қилишларича, Расуллуллоҳ ора - сира Яман тарафга юзларини буриб, бундай дер эдилар: “Мен худонинг нафасини Яман томондан туймоқдаман. Эҳсон ва эзгуликда тобеинларнинг энг яхшиси Увайс Қаранийдир”¹¹.

Шоира бу хусусда шундай дейди :

Умидим тўла раҳматингдин, илоҳ,

Ки ҳамном – Вайсул Қарандур менго.¹²

Имом Шаъроний “Табақот”ида Увайсининг шамойилини бундай таърифлайди : “Увайс ўрта бўйли, елкалари кенг, кўзлари катта –катта, юзи буғдойранг, сочи қизғиш эди . Жағи доим кўксига ёпишиб турар, кўзлари фақат ерга боқар эди”.

Алишер Навоийнинг “Насойим ул –муҳаббат” асарида Увайс Қараний ҳақида шундай сатрлар учрайди : “Тонгла қиёмат куни Ҳақ етмиш минг фариштани Увайс сурати биля яратқой . То ул аларнинг орасида аросатга кириб, беҳиштга борғай. То ҳеч ким маълум

¹⁰ Увайсий. Девон. Тузувчилар:Қаюмов А. ва Иброҳимова Э. Тошкент, 1959 йил.107-бет.

¹¹ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. Тошкент. 10-жилд. 99-бет.

¹² Увайсий. Девон. Тузувчилар:Қаюмов А. ва Иброҳимова Э. Тошкент, 1959 йил. 21-бет.

килмағай. Тенгридин ўзгаки, ул қайси биридурки, ул дунёда барча халқ кўзидин ёшурун Тенгри таолога қуллук қилур эрди. Қиёматда доғи Тенгри таоло ани барча номахрам кўзидин махфуз тутқай ”.¹³

Увайс Қараний Аллоҳ таолога ва Муҳаммад алайҳиссаломга муҳаббатини ҳаммадан сир тутар, унинг бунчалик буюк зот эканлигини ҳеч ким, ҳатто, яқинлари ҳам билмас эди .

Вайсий бериёзат деб сахл тутма, эй ориф ,

Ишқ аро ниҳон дарди бедаво Увайсийман¹⁴,-

дея ёзганида шоира юқорида айтилган фикрларга ишора қилган бўлса не ажаб?!

Ҳазрати Увайснинг вафоти ҳақида келган ривоятларнинг барчасида унинг ҳижрий 37 –йили Сиффин жангида шаҳид бўлгани айтилади .

Ишқ даштида шаҳид бўлди Увайсий , ваҳким ,

Бағрими қонинг ўзимга кафан этмай нетайин¹⁵,-

дея Жаҳонотин Увайсий ҳам ўзининг руҳий ҳолатига, ҳам ҳамноми Увайс Қаранийга ишора қилаётгандек туйилади.

Шоира яна бир ғазалининг мақтаёсида таҳаллуси сабабини айтиб ўтади :

Йўқотиб ўзни фано мартабасига етакўр,

Вайсий номим менинг ул номи Жаҳонимга иваз.¹⁶

Яна “Насойим ул – муҳаббат” асарининг Увайс Қараний ҳақидаги сатрларига қайтсак, “Увайс Қаранийким, Ҳазрат Рисолат соллаллоҳи алайҳи васалламни кўрмабдур эрди ва ул Ҳазрат ҳам они зоҳир кўзи била кўрмабдур эрдилар. Маъною руҳоният юзидин тарбият қилиб эрдилар. Бу жиҳатдин ҳар кишинингки, бу тоифадин зоҳир юзидин пири

¹³ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. Тошкент. 10-жилд. 99-бет.

¹⁴ Увайсий. Девон. Тузувчилар:Қаюмов А. ва Иброҳимова Э. Тошкент, 1959 йил. 16-бет.

¹⁵ Увайсий. Девон. Тузувчилар:Қаюмов А. ва Иброҳимова Э. Тошкент, 1959 йил. 228-бет.

¹⁶ Ўша девон. 151-бет.

маълум бўлмаса ва машойихдин бирининг руҳи они тарбият қилғон бўлса, они Увайсий дерлар”.

Ислом оламида Пайғамбаримизнинг (гарчи у зот ўтиб кетган бўлсалар-да) ғойибона назари-нигоҳига сазовор бўлиш илинжида “увайсийлик” йўли пайдо бўлган. Шоира бу хусусда:

Йўктурур Вайсийдаким, Вайсий мақомидин умид,

Ёр кўйини ити бўлсам мени афгор, кош¹⁷,-

деб Увайс Қаранийдек зот мақомига, яъни даражасига етиш иложсиз эканлигини таъкидлайди. Шоира камтарлик қилиб, унинг доим эргашиб юрувчи ити бўлишини-да ўзига шараф деб билади.

Жаҳонотин Увайсий таҳаллусини Увайс Қаранийга нисбат бериб танлаганига ғазаллари мактаъларида ўндан ортиқ далиллар бор. Увайс Қаранийдек Аллоҳ таолога ва Муҳаммад алайҳиссаломга меҳру муҳаббатларини шоиранинг ҳамду сано ва наът мазмунидаги ғазалларида кўришимиз мумкин.

Жаҳонотин Увайсийнинг асарларини синчиклаб ўрганганимизда бир ғазалида тушида машҳур пир, ислом оламининг буюк зотларидан бири бўлмиш Хўжа Аҳрор Валийни тушида кўрганлигини айтиб ўтади. Шунини асосли равишда айтиб ўтишимиз мумкинки, Жаҳонотин Увайсий Бобораҳим Машраб шахси ва ижодига ҳам катта эҳтиром билан қараган, чунки шоиранинг ижодига мансуб кўпгина шеърлар бундан дарак бериб турибди. Демак, шоирада увайсийликнинг яна бир хислати ҳам мавжуд экан, яъни аввал яшаб, бу дунёдан ўтиб кетган буюк зотлар тушига кириб, тарбия қилувчи инсонлар сирасига киради, деган хулосага ҳақли равишда келишимиз мумкин.

¹⁷. Увайсий. Девон. Тузувчилар: Қаюмов А. ва Иброҳимова Э. Тошкент, 1959 йил. 140-бет.

1.2 Шоира ижоди манбаларининг қиёсий тавсифи

Жаҳонотин Увайсий ижодий меросини ташкил қилувчи шеърӣ асарлар турли йилларда тузилган 4 та шеърӣ девон, XIX аср 1-чораги ва XX аср бошларида тузилган кўплаб баёзларда жамланган. Улар, асосан, Қўқон ва Андижонда тузилган.

Жаҳонотин Увайсийнинг адабий меросини шартли равишда қуйидагича гуруҳлаймиз:

1. Увайсий девони қўлёзмаси. ЎзРФА ШИ (ҳозирги Шарқшунослик илмий маркази) жамғармасида 1837, литографик китоблар фондида 669 рақамлари остида сақланади.
2. Увайсий девони қўлёзмалари. Андижон вилояти Адабиёт ва санъат музейи жамғармасидаги 138050, 138049, 138048 рақамли девон қўлёзмалари. Девонларга ТР.Қ. (туркий қўлёзма) 05, ТР.Қ. (туркий қўлёзма) 06 рақамли бирка қўйилган. Девонлар гўзал настаълиқ ёзувида ёзилган.
3. Увайсий дostonлари қўлёзмаси. Қўқон адабиёт музейида КП-4190, Р-21 инвентар рақами остида сақланади. Ушбу девонда Жаҳонотин Увайсийнинг “Шаҳзода Хасан” ва “Бобо Равшан” дostonлари ўрин олган.
4. Шоиранинг замондош шоирлар ва кейинги даврда шеърӣят мухлислари томонидан тузилган баёзлар.
5. Пўлатжон Қайюмовнинг “Тазкираи Қайюмӣ” асари.
6. Шоиранинг мавжуд қўлёзма девонлари асосида 1959-1963-1983-йилларда кирилл ёзувида нашр қилинган девонлари.
7. А.Турдиалиевнинг 2010-йилда яратилган “Мазмун маъдани” номли Увайсий лирик меросини жамлаган Кирилл ёзувидаги девон.

Биз қуйида шу манбаларнинг ҳар бирига илмий тавсиф беришга ҳаракат қиламиз.

Увайсий девонининг қўлёзмаси. ЎзРФА ШИ (ҳозирги Шарқшунослик илмий маркази) жамғармасида 1837, литографик китоблар фондида 669 рақамлари остида сақланади. Ушбу қўлёзмалар бир неча қисмдан иборат бўлиб: “Девони Вайсий” – 93 Ҳарф, “Қарбаломномаи манзум” – 22 Ҳарф, “Воқеоти Муҳаммадалихон” асари 7 Ҳарфдан иборат. Тўпламларнинг барчаси ҳижрий йилнинг 1274-йил (мелодий 1857-1958-йиллар)да ёзилган бўлиб, барчасининг муаллифи Шох Юнусхон ҳисобланади. “Девони Вайсий” саҳифаларининг ҳажми 15,5*26,5 сантиметрга тенг, “Қарбаломномаи манзум” ва “Воқеоти Муҳаммадалихон” саҳифаларининг ҳажми эса 15,5*16,5 сантиметрга тенг бўлиб, Қўқон Ҳарфига ёзилган. 1959-йилда Азиз Қайюмов ва Ётибор Иброҳимовалар тамонидан нашр этирилган кирилл ёзувидаги шоиранинг девони юқорида инвентар рақамлари зикр этиб ўтилган қўлёзма девони асосида тайёрланган. Муаллифлар ўша даврда Андижон вилояти Марҳамат туманида истиқомат қилувчи Жаҳонотин Увайсийнинг чевараси Холжонбиби Мағзий қўлида сақланаётган қўлёзма девонлардан ҳабардор бўлишган, чунки андижонлик олимлар ушбу девонлар ҳақида маълумот берган кўринади.

Увайсий девони қўлёзмаси. Андижон вилояти Адабиёт ва санъат музейи жамғармасидаги 138050 рақамли девон қўлёзмаси бошқа мавжуд нусхалардан ҳажман катталиги билан ажралиб туради. Мазкур қўлёзма 210 Ҳарф, яъни 420 бетдан иборат бўлиб, Қўқон Ҳарфига ёзилган, муқоваланган. Ҳар саҳифада 11, 12 байт ва ундан ортиқ ҳажмда турли жанрлардаги шеърлар жойлаштирилган. Унда ҳижрий 1311 (мелодий 1893) йил санаси бор. Қўлёзма Увайсийнинг эвараси Андижон вилояти Марҳамат туманида яшаган Мағзий таҳаллусли шоира Холжонбиби томонидан настаълиқ ёзувида кўчирилган. ТР.Қ. (туркий қўлёзма) 06 рақамли бирка қўйилган. Ушбу қўлёзма девондаги шеърлар ҳажми 5628

байт, яъни 11256 мисрадир. 138050 инвентар рақамли девонда қуйидаги жанрлар намуналари жамланган: ғазал, мухаммас, мусаддас, мусамман, мустазод, қитъа, маснавий, рубоий, туюқ, чийистон, фард, туюқ-чистон.

Андижон вилояти Адабиёт ва санъат музейи жамғармасида сақланаётган 138050 рақамли қўлёзма девони “Карбаломномаи манзум” достони, ҳамд ва наът мавзусидаги **“Биҳамдиллаҳ, тилимни айладим ҳамдинга ман гўё”** ғазали билан бошланган. Ушбу ғазалда шоиранинг дин ва дунё ҳақидаги чуқур фалсафий қарашларини акс эттирилган. Ғазалнинг матлаи қўйидагича: *Биҳамдиллаҳ, тилимни айладим ҳамдингга ман гўё,/ Бўлуб минқори найдек бош аёғим жумлаи аъзо. Ҳамд саккиз байтдан иборат, мақтаси: Заифу хаста зоду ҳазину гунг, лол эрмиш,/ Увайсий қайси тил бирла десун ҳамдингни бар аъло.*

2- ғазал эса **“Лолдур ҳамдингга тил зоти улуг поки худо”** деб бошланувчи шеърдир. Бу ғазал ҳам аввалги ғазали каби Яратганга ҳамд мавзусидадир. Ушбу девоннинг ибтидосида кетма-кет 10 дан ортиқ ҳамд ва наът мавзусидаги ғазаллари ўрин олган. Ушбу мавзудаги ғазалларидан сўнг шоиранинг турли мавзулардаги ғазаллари ва турли жанрдаги асарлари берилган. Девоннинг интиҳосида 53 та чистон намуналари берилган. Бизнингча, бу чистонларга қалам билан рақамлар андижонлик олимлар томонидан қўйилган бўлса керак.

Андижон давлат педагогика институти филология факультетининг Ҳошимжон Раззақов бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар ушбу факультетда таҳсил олаётган бир талаба қиз Марҳамат туманида Жаҳонотин Увайсийнинг авлодлари яшаши ва унинг чевараси Холжонбиби (Мағзий) исмли қари кампир қўлида 3 та қўлёзма девон мавжудлиги ҳақида маълумот келтиргани сабабли ўша жойга борадилар. Талаба қиз янглишмаган эди: ҳақиқатдан ҳам Марҳамат туманида Жаҳонотин Увайсийнинг авлодлари яшар экан ва Холжонбиби (Мағзий)нинг қўлида қўлёзмалар борлигига шохид бўлишган. Дастлаб, Холжонбиби уларга қўлёзмани беришга рози бўлмаган, аммо Ҳошимжон Раззақовнинг

тушунтиришлари ва илтимосига кўра Жаҳонотиннинг шеърий асарлари жамланган қўлёзма девонларни олимларга беришга қарор қилади. Увайсий адабий ижодининг тадқиқи андижонлик олимлар тамонидан 1958-йилдан бошланади. Бу тадқиқотларнинг самараси ўлароқ 1963-йилда Жаҳонотин Увайсий шеърий асарларидан иборат яна бир девон крилл алифбосида дунё юзини кўрди. Бу девон аввал эълон қилинганига қараганда кўпроқ жанрдаги шеърларни ўз ичига оларди.

Увайсий девони қўлёзмаси. Увайсий девонининг яна бир қўлёзмаси Андижон вилояти Адабиёт ва санъат музейи жамғармасидаги 138049 рақамли девон қўлёзмаси ҳисобланади. . Мазкур қўлёзма 114 варақ, яъни 228 бетдан иборат бўлиб, Қўқон варағига ёзилган, муқоваланган. Ҳар саҳифада 11, 12 байт ва ундан ортиқ ҳажмда турли жанрлардаги шеърлар жойлаштирилган. Унда ҳижрий 1288 (мелодий 1870) йил санаси бор. ТР.Қ. (туркий қўлёзма) 05 рақамли бирка қўйилган. Девон гўзал настаълиқ ёзувида ёзилган. Девоннинг 1-саҳифасида “Ушбу девон марғилонлик Жаҳонотин Увайсийникидур” деган котибнинг жумласи билан бошланади. Ушбу девонда ғазал, мухаммас, мусаддас, мусамман, мустазод, қитъа, маснавий, рубоий, туюқ, чийистон, фард каби жанрлар бор.

Ушбу девон “ **Қодиру қаюмдурсан ҳамдинга рухсат манга**” сатрлари билан бошланувчи ғазал билан бошланган бўлиб, у анъанавий 7 байтли ғазаллар сирасига киради. Бу ғазал анъанавий ҳамд мавзусидадир.

2-ғазал “ **Эй ҳақиқат подшаҳи оламни қилдинг сан бино**” мисралари билан бошланади. Ушбу ғазал ҳам 7 байтдан иборат бўлиб, Муҳаммад алайҳиссаломга наът мавзусидадир. 3-ғазал “ **Аё Саййиди оламайни маҳлуқо**” мисралари билан бошланади. Ушбу ғазал ҳам Пайғамбаримизга наът мавзусидадир. 4-ғазал “ **Мамот аҳли топар жон бу сифат назм ўлса гар пайдо**” мисралари билан бошланиб, бу ғазал ҳам Муҳаммад алайҳи васалламнинг таърифу тавсифларига бағишланади. Ушбу қўлёзма девоннинг 5-ғазали “ **Бори борму олдинга бормоққа, эй кони одоб**” мисралари билан бошланувчи ғазали Ҳошимжон

Раззаков бошчилигида қилинган 1963-йилдаги крилл ёзувидаги Увайсий девонида ўз аксини топган. Девонда “тамошо” радибли 3 та ғазал кетма-кет ўрин олган. Қўлёзмада аввал эълон қилинган ғазаллар билан ҳозиргача номаълум бўлган ғазаллар ҳам учраб қолади.

Увайсий дostonлари қўлёзмаси. Қўқон адабиёт музейида КП-4190, Р-21 инвентар рақами остида сақланади. Ушбу қўлёзмада Жаҳонотин Увайсийнинг “ Шаҳзода Хасан” ва “ Бобо Равшан” дostonлари ўрин олган. Дostonлар сариқ Қўқон варағига ёзилган, қалин жилд билан муқоваланган. Бу қўлёзма 1274-ҳижрий (1957-1958-йиллар)да, настаълик ёзувида ёзилган. Қўлёзма варақларининг ҳажми 15,5*26,5 сантиметрға тенг бўлиб, ҳар бир сатрда 14 ёки 15 сатр матн жойлаштирилган.

Жаҳонотин Увайсийнинг “ Шаҳзода Хасан” ва” Шаҳзода Ҳусан” дostonлари халқ орасида “ Карбалнома” деб юритилган, ушбу дostonлар отинбибилар томонидан аёллар маросимларида ижро этилган. “Бобо Равшан” дostonи халқ орасида маълум, аммо илмий жиҳатдан ўрганилмаган. Бу дoston ўз тадқиқотчисини кутмоқда.

Увайсий девони. Жаҳонотин Увайсийнинг шеърларидан иборат бўлган крилл ёзувидаги девон бўлиб, 1959-йилда Азиз Қайюмов ва Ётибор Иброҳимовалар томонидан нашрга тайёрланган. Ушбу девонга ЎзРФА ШИ (ҳозирги Шарқшунослик илмий маркази) жамғармасида 1837, литографик китоблар фондида 669 рақамлари остида сақланадиган қўлёзма девон асос қилиб олинган. Ушбу девондаги намуналар шуни кўрсатадики, 138048, 138049, 138050 инвентар рақамли қўлёзма девонлардан ҳам фойдаланилган.

Бу девонда 219 ғазал, 25 та мухаммас, 1 та мусалсал (учлик) ва

Увайсий девони. Жаҳонотин Увайсийнинг шеърларидан иборат бўлган кирилл ёзувидаги девонлардан бири бўлиб, 1963-йилда Ҳошимжон Раззаков, Ғанижон Абдуллаевлар томонидан нашрга тайёрланган. Ушбу девонга, асосан, 138048, 138049, 138050 инвентар рақамли қўлёзма девонлар асос қилиб олинган. Бу девонга ҳам шоиранинг ҳамд ва наът

мавзусидаги шеърлари киритилмаган. Ҳаттоки, мазкур китобнинг кириш қисмида ҳамд ва наът мавзусидаги асарларга салбий муносабат билдирилган, бизнингча, замонасозлик важдидан шундай қилинган.

Ушбу девон муаллифлари Жаҳонотин Увайсийнинг мавжуд қўлёзма девонларидаги ва 1959-йилда крилл алифбосида чоп этилган девонини кўздан кечириб, яна икки юзга яқин турли жанрлардаги шоиранинг шеърлари жорий ёзувга табдил қилинмаган. Хошимжон Раззақов ва Ғанижон Абдуллаевлар ушбу девонда имкони борича табдил қилинмаган шеърларни қамраб олишга ҳаракат қилишган.

Ушбу девонда 151 та ғазал, 13 та мухаммас (3таси Алишер Навоий ғазалига боғланган), 1 та мустаод, 1 та мураббаъ, 6 та мусаддас, 2 та маснавий, 3 та туюқ, 9 та чистон, 4 та фард каби шеърӣ жанрдаги асарлар ўрин олган.

8. **“Кўнгил гулзори” номли Увайсий девони.** Амонулло Валихонов(Боқир) ва Имомиддин Қосимов(Улфат) томонидан 1983-йилда чоп этилган Крилл ёзувидаги шеърӣ девон. Ушбу девоннинг кириш қисмида Жаҳонотинг Увайсийнинг ҳаёти ва ижодига оид кўпгина маълумотлар берилган. Девонда турли жанрдаги шеърлар изчиллик билан девон тузиш анъаналарига асосланган ҳолда жойлаштирилган. Жумладан, 209 та ғазал, 1 та мустаод, 10 та мухаммас, 5 та таржеъбанд, 1 та тарқиббанд, 5 та чистон жанридаги шеърӣ асарлар ушбу девондан ўрин олган.

9. **“Мазмун маъдани” номли Увайсий девони.** А.Турдиалиевнинг 2010-йилда яратилган “Мазмун маъдани” номли Увайсий лирик меросини жамлаган Крилл ёзувидаги девон. Ушбу девон аввалги девон нашрлари ҳамда Қўқон адабиёт музейида сақланувчи қўлёзма девонлар, баёзлар асосида тайёрланган.

I боб бўйича хулосалар

Ушбу бобда ўзбек мумтоз адабиётининг етук намоёнлари Жаҳонотин Увайсийнинг ҳаётига ва ижодига оид бугунги кунгача ҳамда асарларидан, баъзи бир манбалардан келиб чиққан ҳолда янги, ишончли маълумотлар беришга ҳаракат қилдик. Шоиранинг бугунги кунгача маълум бўлган қўлёзма девонларини қиёсий ўргандик ва тегишли хулосаларга келдик. Увайсийнинг жорий ёзувлардаги девонларни ҳам қиёсий таҳлил қилдик. Қўлёзма ва жорий ёзувимизда эълон қилинган девонларни жанрлари, қамрови бўйича ажратиб чиқдик.

II боб. Увайсий шеърлати жанрлар тизими ва асарларининг бадий хусусиятлари

Мавжуд манбаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, шоира Увайсий барча мумтоз адабиёт жанрларида баракали ижод қилган, ҳатто шеърлатда янгиликлар яратган, жанрлар тақомилига ҳисса қўшган Увайсий асарларини яхлит ва ҳолисона ўрганишни тақозо этади. Собик шўро даврида мумтоз бадий асарларни асл ҳолича чоп этиш ва оммалаштириш имкони бўлмагани сабабли Увайсий асарлари ҳам тўлалигича нашр юзини кўрмаган эди.

Шарқ адабиёти, жумладан, ўзбек адабиётида девон тузишнинг ўзига хос тамойиллари бўлган ҳамда шоира Увайсий ушбу қоидаларга мувофиқ келувчи девон соҳибаси ҳисобланган. Увайсий шеърлатида етакчи жанр ғазал бўлиб, маснавий, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусамман, мустазод, таржиъбанд, таркиббанд, мувашшах, рубоий, туюқ, туюқ фард, чистон, қитъалар ҳам анчагина салмоқлидир.

Девон тузиш анъанасига мувофиқ шоир аввало ҳамд, наътдан сўнг қолган лирик асарларни жойлаштирган. Ғазал байтининг сўнгги ҳарфи араб алифбосидаги ҳарфлар кетма кетлиги асосида бўлиши, бунда 28 та ҳарфнинг барчасига намуна ғазаллар бўлиши шарт ҳисобланган. Шунга кўра шоира Увайсий ижоди намуналари девон тартиб беришга тўла жавоб бера олади дея оламиз.

Алишер Навоийнинг девонларида 16 та шеърый жанр намуналари мавжуд. Жаҳонотин Увайсийнинг ҳозирги кунда маълум бўлган 4 та девонини кўздан кечирсак, 15 га яқин лирик жанрларда самарали ижод қилганини кўришимиз мумкин.

Шоиранинг бугунги кунгача маълум бўлган лирикасининг ҳажми 269 та ғазал, 29 мухаммас, 55 мусаддас, 1 мураббаъ, 13 чистон, 1 таркиббанд, 4 таржеъбанд каби жанрлардаги шеърлардан иборат.

Андижондаги Адабиёт ва санъат музейида 138049; 138050, Ўлкашунослик музейида 138048 инвентар рақами билан сақланаётган Жаҳонотин Увайсийнинг 3 та девонидаги барча лирик мероси ўрганилса, юқоридаги санаб ўтилган шеърӣ жанрлар сони янада ошади. 138049 ва 138050 инвентар рақамли қўлёзма девонларини диққат билан кўриб чиқсак, Жаҳонотин Увайсий лирикаси жанрлари сони сезиларли даражада кўпаяди. Ушбу қўлёзма девонларда ғазал, мухаммас, маснавӣ, рубоӣ, туюқ, чӣйистон, китъа, мустазод, фард каби жанрлар бор.

138050 инвентар рақамли қўлёзма девонда шеърлар ҳажми 5628 байт, яъни 11256 мисра; 138049 инвентар рақамли қўлёзма девонда 2093 байт, яъни 4186 мисра шеър мавжуд; 138048 инвентар рақамли қўлёзма девон 161 бетдан иборат бўлган.

Юқорида инвентар рақамлари зикр этилган қўлёзма девонларда 1959-йилда ЎзССР Фанлар академияси нашр этган китобга кирмаган 300 дан ортиқ шеър мавжуд бўлган. Шулардан 200 га яқин шеър танлаб олиниб, 1963- йилда Ҳошимжон Раззақов бошчилигида нашр қилинган. Иложи борича, 1959- йилда нашр қилинмаган, тўпламга киритилмаган шеърлари 1963-йилдаги Увайсий девони нашридан ўрин олган. Масалан, Увайсийнинг ғазал жанридаги шеърлари сони 50 дан ортиши мумкин. Шу жумладан, ҳамд ва наът мавзусидаги ғазалларининг сони 20 дан ортиқдир. Шу кунгача маълум бўлган чистонларининг сони 13 та эди, 138050 инвентар рақамли қўлёзма девоннинг ўзида эса 53 та чистон мавжуд. Бошқа жанрдаги асарлар сони ҳам шу жумладан ортиши мумкин.

Жаҳонотин Увайсийнинг Ҳошимжон Раззақов бошчилигида 1963-йилда эълон қилинган шеърӣ девонида шеърларни жойлаштириш тартиби қўлёзмадагича қолдирилган, фақат ғазаллар орасидаги баъзи мухаммас, мусаддаслар ўз гуруҳида, тартиби билан жойлаштирилган. 1963-йилдаги Жаҳонотин Увайсий девонида дастлаб ғазаллар алифбо тартибида, сўнг мустазодлар, мухаммаслар, мусаддаслар ўрин олган. Бу девонда

шоиранинг “ҳамд”, “ наът”, “ муножот” каби дебоча ғазаллари ва бошқа жанрдаги шеърлари ўрин олмаган, чунки бу замон талаби бўлган.

Увайсий чистонлари умумий ўрта мактабларнинг 7- синфлари учун мўлжалланган адабиёт дарслигида берилган. Дарсликда “ анор”, “ ёнғоқ”, “ кун ва тун” каби чистонлари ва чистон ҳақидаги назарий маълумотлар келтирилган.

Жаҳонотин Увайсийнинг ғазаллари бугунги кунда адабиёт ихлосмандларига маълум бўлганларининг сони 269 та бўлса, қўлёзма девонларни бир чеккадан кўздан кечирсак, уларнинг сони 300 дан ошиши шубҳасиздир. Ҳамд ва наът мавзуларидаги ғазалларнинг сони йигирмадан ортиқдир. Шўро даврида шоиранинг диний-тасаввуфий ғазалларини ўрганиш тақиқланган эди. Ўрганилса ҳам, асар мазмуни зўрма-зўраки дунёвий таҳлил қилинган. Умумий ўрта мактабларнинг 7- синфлари учун мўлжалланган адабиёт дарслигида шоиранинг “ Увайсийман”, “ Соғиндим” радифли ғазаллари, академик лицейларнинг 2-курслари учун мўлжалланган дарслигида “ Соғиндим”, “ Увайсийман”, “ Мақсуди кўнгул”, “ Нозук”, “ Қабул этгил”, “ Ишқида”, “ Ажаб йўқ” каби ғазаллари берилган.

Жаҳонотин Увайсийнинг халқ орасида ғазаллари ва чистонлари бошқа жанрдаги асарларига қараганда машҳурдир, шунинг учун адабиёт ихлосмандлари тамонидан тузилган баёзларда, асосан, юқорида номи зикр этилган асарлари кўпроқ учрайди.

Увайсийнинг ғазал ва чистон жанридаги асарларидан ташқари мухаммас жанридаги шеърлари ҳам алоҳида эътиборни талаб этади. Шоиранинг мухаммасларидан унинг эстетик дидини, лаёқатини, истеъдодини чуқурроқ англашимиз мумкин. Зеро, бу жанр ижодкорнинг истеъдодини аниқлаб берувчи кўзгу вазифасини бажаради. Жаҳонотин Увайсийнинг шу кунгача 29 та мухаммаси маълум. Адабият назариясидан маълумки, мухаммаслар 2хил бўлади: 1. Мустақил мухаммаслар(бошқаларнинг асарига боғламай, балки ижодкор ўзи мустақил яратган).

2. Тахмис мухаммаслар(бошқа шоирларнинг асарларига боғланган).

Жаҳонотин Увайсийда мухаммасларнинг ҳар икки турига кирувчи мухаммаслар бир нечталаб учрайди. Шоира, асосан, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий ва Амир Умархон ғазалларига мухаммас боғлаган. Масалан, Алишер Навоийнинг **“ Эй орази- насрин, сочи- сунбул, қадиди- шамшод”** , **“ Эй қуёш, васфин демакдин моҳи рухсоринг ғараз”**, **“Кечти умрим нақди ғафлат бирла нодонликда ҳайф”** ғазалларига мухаммас боғлаган. Муҳаммад Фузулийнинг **“Дарждур лаъли равон бахшинг дуру шахвор лафз”**, **“ Ёр васлини истабон кечмак керак тандин таъма”** ғазалларига мухаммас боғлаган.

Жаҳонотин Увайсийнинг мустақил мухаммасларига **“ Юз онча захмлиғ кўксум туман хорингга салламно”**, **“ Ҳаддин афзундурки жавридин паришонман букун”** деб бошланувчи шеърлари киради.

Маълумки, Увайсий ғазал ва мухаммас жанрида самарали ижод қилди, лекин унинг ижодиди чистон жанри намуналари ҳам катта ўринни эгаллайди. Бугунги кунгача шоиранинг 13 та чистони чоп этилган эди.

Жаҳонотин Увайсийнинг ушбу жанрдаги асарлари сони академик Авлиёхон Муҳаммадиевнинг гувоҳлик беришига қараганда, аслида шоиранинг бу жанрдаги шеър намуналарининг сони 200 дан ортиқдир. Академикнинг таъкидлашича, Жаҳонотин Увайсий Авлиёхон Муҳаммадиев эна(буви)сининг энг яқин дугоналаридан бўлган. Шоира ёш Авлиёхонга кичикроқ бир китоб совға қилади. Унда 200 дан ортиқ чистон кунда адабиёт ихлосмандларига номаълум бўлган чистонларини ёд олганини эътироф этади, лекин бугунги кунда булардан 13 тасигина адабиёт ихлосмандларига маълум эканлиги афсусланарлидир. Биргина 138050 инвентар рақамли қўлёзма девонда 50 дан ортиқ чистон жанрдаги шеър намуналарининг борлигини ўзиёқ келажакда бошқа қўлёзма девонларни ўрганиш асносида бу жанрнинг шоира ижодидаги сонининг ошишига хизмат қилиши кундек равшан бўлиб қолади.

2.1. Шоира ижодий меросининг жанрлар кўлами, вазн хусусиятлари.

Ўзбек адабиётшунослигида шоира Жаҳонотин Увайсий ҳаёти ва ижоди мутахассис олимлар томонидан илмий тадқиқ этилган. Бироқ шоира ижодий меросини яхлит кўламда ўрганиш, холис ва илмийлик тамойиллари асосида тадқиқ этиш адабиётшунослик олдидаги вазифалардан ҳисобланади.

Мавжуд манбаларда Жаҳонотин Увайсийнинг лирик мероси 15000 мисра деб белгиланмоқда. Балки, ҳозиргача тўла ўрганилмаган қўлёзма девонлар, баёзлар тўлиқ ўрганилса, шоиранинг лирик мероси ҳажми янада кенгайиши мумкин.

Хуллас, бугунги кунгача Жаҳонотин Увайсийнинг лирик мероси қуйидагилардан иборат: 269 та ғазал, 29 мухаммас, 55 мусаддас, 1 мураббаъ, 1та мустазод, 13 чистон, 1 таркиббанд, 4 таржеъбанд каби жанрлардаги шеърлар мавжуд.

Андижон вилояти Адабиёт ва санъат музейида Андижон давлат педагогика институти (ҳозирги Андижон давлат университети) муҳри босилган 138050 рақами билан сақланаётган Увайсий девони қўлёзмасида эллиқдан ортиқ чистонлар учрайди. Бу девон нусхаси ҳажман салмоқли бўлиб, 210 варақ, яъни 420 саҳифадан иборат. ТР.Қ. (туркий қўлёзма) 06 рақамли бирка қўйилган. Унда 1311 ҳижрий, 1893 мелодий йил санаси бор.

Ўзбек мумтоз адабиётида шоира Жаҳонотин Увайсий шеърляти мавзулар кўлами, жанрлар хилма хиллиги билан ўзига хос ўрин тутди. Бугунги кунгача адабиётшунослар нашр этган Увайсий тўпламларида ўнга яқин чистон намуналари маълум эди. Юқорида зикр этилган девон нусхасида шоира Увайсий чистонларининг илгари чоп этилмаган гўзал намуналари борлиги аниқланди. Шу кунгача мавжуд адабиётларда Қ.Йўлдошев, В.Қодировлар Увайсий чистонларини икки гуруҳга бўлиш мумкинлигини кўрсатган эдилар. Булар: 1) оддий чистонлар (“Кун ва тун”, “Ёнғоқ”); 2) мажозий чистонлар (“Анор”).

Чистонлар миқдор жиҳатидан кўп бўлгани боис уларни бир қанча мавзу гуруҳларига таснифлаш мумкин:

1. Нарса, предметлар ҳақидаги чистонлар: камар, дутор, кўйлак, қоғоз, кўприк, қирон.

Ул надир боши йигирма, жисми қирқ, шоҳ улфати,

Пойи икки юз ажойиб, турфа шаъни шавкати.

Лаъли ёқуту зумуррад тўн кияр ул рўзи шаб,

Ўлтурубдур тахти абжад узра бордур давлати.

Мазкур чистонда ҳам абжад ҳисоби асосида жавоб топилади. Асарда беркитилган сўзнинг биричи, бош ҳарфи “к” эканлиги абжаддан маълум бўлади, чунки абжад бўйича, “к” ҳарфи 20 рақамига тенг. Шундан сўнг беркитилган нарсанинг жисми, яъни кейинги ҳарфи 40 сонига тенг бўлган “м” эканлиги маълум бўлади. Чистоннинг 2-мисрасида беркитилган нарсанинг пойи, яъни охирги ҳарфи 200 рақамига тенг бўлган “р” эканлигини билиб олиш зукко ўқувчидан унчалик кўп машаққатни талаб этмайди. Чистонда абжаддан ташқари метафора (ташбеҳ)дан ҳам унумли фойдаланилган. Чистонда камар подшолар томонидан тақилганига ишора қилинади. Шунингдек, камарнинг ташқи белгилари, яъни қимматбаҳо тошлар билан безатилиши, доимо тўннинг ичидан жой олиши тасвирланади.

2. Уй-рўзғор буюмлари ва жиҳозлар ҳақидаги чистонлар: қайчи, кели, пичоқ, ўқлов, чироқ.

Ул надурким, боши саксон, бўйни учдир, дилбаро,

Бели бирдур, пойи юз сизларга доим ошно.

Ушбу чистонда жавоби топилиши керак бўлган пичоқнинг ташқи белгилари берилмасдан, балки абжад ҳисобига ишора қилинади, чунки абжад ҳисоби бўйича сўзнинг бош, яъни биринчи ҳарфи саксон (п), бўйни, яъни кейинги ҳарфи уч(Шунингдек, бу нарсанинг одамларга зарурий буюм эканлиги таъкидланган.

Ул надур боши йигирма, бўйини ўн асбобдур,

Бели ўтгуз, пойи ўн, топган одам ноёбдур.

Ушбу чистонда тўртта ҳарф абжад ҳисобидаги рақами асосида топилиб, инсон аъзолари жойлашуви тартибида терилса, натижада илгари кўп ишлатилган уй-рўзгор анжومي бўлмиш “кели” сўзи ҳосил бўлади.

3. Табиат ҳодисалари ва неъматлари ҳақидаги чистонлар: чақмоқ, сув (об), ўт (олов), хок, кун ва тун.

Ул надурким боши олти юз, охири бирдур тани,

Пойи йигирмаким, ани топган киши донишмани.

Юқоридаги чистоннинг жавоби хок, яъни тупроқ бўлиб, унда нарсанинг ташқи кўриниши ёки вазифасига эмас, ўқувчига абжадни ўргатиш мақсади кўзда тутилган.

4. Озиқ-овқат ва мевалар ҳақидаги чистонлар: анор, ёнғоқ, қатик.

Ул надурким сабз тўнлик, ёз ёғочнинг бошида,

Қиш яланғоч айлағай барча халойиқ қошида.

Барча қушларнинг сўнгаги ичида

Ул на қушдурким сўнгаки тошида.

Ёнғоқ ҳақидаги ушбу чистонда унинг ёзда яшил тусда бўлиши, қишда эса барглари тўкиши жонли тасвирларда берилган.

5. Абжад ҳисобини ўргатиш учун мўлжалланган чистонлар: бирлик, ўнлик, юзлик ва мингликлар ҳақида.

Недур ул бир, бели олтию учдур боши, ул дилбар,

Икки бирла икки юз жисми ани, эй дури шахвар.

Оёғи бир била олти, эллик чиқар аввал ҳарф,

Чиққан ҳарфни яна солсангки, абжадга бўлур изҳор.

Ушбу чистонда абжад ҳисоби бўйича ишора килинган ракамлар остидаги ҳарфлар йигиндиси «уч, бир, ўн» сўзлари ҳосил бўлади.

6. Мавҳум тушунчалар ҳақидаги чистонлар: иймон, икром, ишқ, жон, алик, “ғам ҳаддин ошди”, чистон, қизиллик.

Ул на қушдурким қаноти уч эрур,

Жисми бирдурким, пути эллик эрур.

Чистонда кушга ўхшатилаётган нарсa жон бўлиб, у топишмоқнинг жавобидир. Ушбу чистоннинг жавоби ҳам абжад ҳисоби билан маълум бўлади.

7. Реал шахслар ҳақидаги чистонлар: Платон.

Ул надурким боши саксон, жисми ўттиз, пойи бир,

Жони тўрт юз, ақли ўндур фахм элик беназир.

Чистонда абжад ҳисоби бўйича рақамлар остидаги ҳарфлар йиғилса, «Филотун», яъни «Платон» машҳур юнон файласуфининг номи ҳосил бўлади.

Жаҳонотин Увайсийнинг ушбу жанрдаги асарлари сони академик Авлиёҳон Муҳаммадиевнинг гувоҳлик беришига қараганда, 200 дан ортиқдир. Академикнинг таъкидлашича, Жаҳонотин Увайсий Авлиёҳон Муҳаммадиев эна(буви)сининг энг яқин дугоналаридан бўлган. Шоира ёш Авлиёҳонга кичикроқ бир китоб совға қилади. Унда 200 дан ортиқ чистон кунда адабиёт ихлосмандларига номаълум бўлган чистонларини ёд олганини эътироф этади, лекин бугунги кунда булардан 13 тасигина адабиёт ихлосмандларига маълум эканлиги афсусланарлидир.

Маълумот учун шуни айтишимиз мумкинки, Фарғона давлат университети адабиётшунослик кафедраси профессори, филология фанлари доктори Ҳайрулла Жўраевнинг гувоҳлик беришича, Авлиёҳон Муҳаммадиев Фарғона давлат университетида узоқ вақт самарали меҳнат қилган ва академик унвонига сазовор бўлган. Унинг ўғли ҳам ушбу илм даргоҳида математика фани соҳасида ишлаб, яқин йилларда вафот этган. Авлиёҳон Муҳаммадиевнинг уйлари университет ҳудудига яқин бўлиб, уларнинг хонадонида бой кутубхона мавжуд экан. Ушбу китобларнинг аксарияти қадимий қўлёзмалар бўлиб, аммо биз юқорида таъкидлаб ўтган Увайсий чистонлари тўплами йўқолган экан.

Алишер Навоий ижодида атиги 10 тагина чистон мавжуд ва улар, асосан, ҳазаж баҳрида ёзилган. Жаҳонотин Увайсий чистонларининг асосий қисми халқ оғзаки ижодига яқин бўлган рамал баҳрида ёзилган.

Хулоса қилиб айтганда, шоира Увайсий ижодий меросида чистонлар бошқа ўзбек ижодкорларига нисбатан салмоқли ва мазмунан кенг кўламли эканини таъкидлаш ўринлидир. Увайсий мумтоз шеъриятимиз жанрларидан чистонда баракали ижод қилди ҳамда бу жанрнинг ривожланишига ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

Ғазал жанридаги асарлар Жаҳонотин Увайсий ижодида асосий жанрлардан бири ҳисобланади. Шу кунгача эълон қилинган ушбу жанрдаги шеърлар сони 269 тани ташкил қилади. Бу ҳисобга илгари нашр этилмаган ҳамд ва наът мавзусидаги ҳамда бошқа мавзулардаги ғазалларни қўшсак, Увайсий ғазаллари сони 300 дан ортади. Ҳар бир етук ижодкор халқ дардини, унинг муаммоларини куйламаса, миллатнинг дардига малҳам бўлмаса, унинг ижоди ўз кадрү қимматини узоқ ушлаб тура олмайди. Жаҳонотин Увайсийнинг ғазаллари ҳам оламу одам ва унинг муаммолари, диний-тасаввуфий мавзуларда баҳс юритади. Айниқса, шоиранинг ҳамд ва наът мавзусидаги ғазаллари Увайсий дунёқарашининг ғоятда кенглигини, диний ва дунёвий билимларининг чуқурлигини ўзида намоён этади. Увайсийнинг ҳамд ва наът мавзусидаги ғазаллари сони 50 дан зиёд булиб, биз улардан 10 тасини матний тадқиқ қилдик ва поэтикасини ишлашга ҳаракат қилдик. Булар куйидаги **”Эй хожаи халойиқ, маҳбуби кибриё ”**, **“Қодиру қайимдурсан, ҳамдинга рухсат менго”**, **“Биҳамдиллах, тилимни айладим ҳамдинга ман гўё ”**, **“Аё Саййиди оламайни маҳлиқо”**, **“Лолдур ҳамдингга тил зоти улуг поки худо”**,” **Эй ҳақиқат подшаҳи, оламни қилдинг сан бино”**, **“ Аё Саййиди оламайни маҳлуқо”**,” **Мамот аҳли топар жон, бу сифат назм ўлса гар пайдо”** деб бошланувчи ғазаллардир.

Жаҳонотин Увайсийнинг аксарият ҳамд ва наът мавзусидаги ғазаллари анъанавий рамал ва ҳазаж баҳрида ёзилган. Айниқса, шоиранинг ижодида халқ оғзаки ижодига ҳамоҳанг бўлган рамал баҳри жуда кўп учрайди. Шоиранинг аксарият ғазаллари анъанавий 7 байтни ташкил қилади.

2.2. Увайсий ҳамд ва наътлари поэтикаси.

Мустақиллигимиз шарофати билан халқимиз ўзининг буюк аجدодларини ҳақиқий суратида кўриш бахтига муяссар бўлди. Шўро тузуми даврида диний илмларни тарғиб қилувчи асарларни ўрганиш тақиқланган. Агар ўрганилса ҳам, бузиб, бир ёқлама талқин қилинди. Буюк аجدодларимиз ижоди камолини кўрсатувчи лирик девонларнинг ҳам ҳамд ва наътга бағишланган турли жанрдаги асарлари атайин тушириб қолдирилган.

138048, 138049, 138050 инвентар рақамли девонларни кўздан кечирсак, илгари кирилл ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида чоп этилган Жаҳонотин Увайсийнинг турли йиллардаги девонларидан, тўпламлардан ҳамд ва наътга бағишланган ғазаллари ўрин олмаганини кўрамиз. Айтиб ўтиш жоизки, ҳамд ва наътлари жамулжам бўлган ғазаллари Жаҳонотин Увайсийнинг энг баркамол асарлари сифатида унинг асл адабий қиёфасини, бадииятини кўрсатиб беради.

Эътиборингизга ҳалигача чоп этилмаган, юқорида келтирилган инвентар рақамлардаги тўлиқ ўрганилмаган девонларидан жой олган ҳамд ва наътга бағишланган ғазалларидан намуналар келтирамиз:

“Қодиру қайимдурсан, ҳамдинга рухсат менго”¹⁸ деб бошланувчи ғазалида шоира Увайсий Аллоҳ таолога ёлвориб илтижолар қилади, девон тартиб қилишдек ғоят мушкул ишда мадад беришини тилайди. Фикримизнинг далили сифатида ушбу ғазал матлаъсининг иккинчи мисрасини келтирамиз:

Бергил, эй доно аҳад, сўз дерда ман қилмай ибо.

Парвардигорнинг қудрати кенг, карами улуғ эканлигини, унинг сифатларини, яратганларини таърифлашга банда ожиз эканлигини, чунки

¹⁸ Увайсий. Қўлёзма. Девон. Андижон вилоят Адабиёт ва санъат музейи жамғармаси. ТР.Қ (туркий қўлёзма) 05.105 varaқ. 1288 ҳижрий (м.й.1870). №138049. 1 б.

бир кафт тупроқдан яралган Одам Атонинг наслидан эканлигини, Аллох таолодан мадад сўраб, ҳақ йўлга бошлашини ўтилади:

Қайси сунъунгдин дам урмакка на ҳад бир муштихок,

Бошлағил роҳи такаллумға ўзунгдурсан хидо.

Кейинги байтда худонинг энг улуғ исми – Раҳмон отига илтижо қилиб сўрайди. Шу ўринда савол туғилади? Нима учун шоира Аллоҳнинг энг улуғ отларидан Раҳимдан эмас, балки Раҳмон отига илтижо қилмоқда?

Айтишларича, Раҳим оти билан Яратганга илтижо қилинганда, фақат шариатда буюрилган барча фарзларни тўла адо этган муслим ва муслималаргина шафоат қилинар экан. Агар Раҳмон отига илтижо қилинганда, наинки муслим ва муслималар, балки ер юзидаги барча инсонлар, ҳайвонот, наботот- хуллас, Тангри таоло ўзи яратган барча нарсаларни бирдек шафоатига олар экан. Шоира ўзини ожиза, қусурли санаб, Раҳим отининг шафоатига лойиқ кўрмай, умидсизланиб Раҳмон отига илтижо қилмоқда.

Эй Худо исми Аъзам, ман ғариб ишкаста қул,

Яъслиғ бирла қилиб Раҳмон отингга илтижо.

Ғазалнинг 5-6 байтларида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳиссаломнинг наъту тавсифи берилади. Ул зот пайғамбарларнинг сўнггиси эканлигини ушбу мисрада таъкидлаб ўтади:

Ман баний одамдин иқрорам беитмоми расул,

Анбиёлар хотими, яъни Муҳаммад Мустафо.

Қуйидаги байтда шоира саҳобалардан тўрт кишини махсусроқ қилиб, уларни чориёрлар этиб, уларнинг авлодидан имоми Хасан ва имоми Хусанларни келтириб икки дунёни нурга тўлдирдирганига Яратганга чексиз шукроналар келтиради:

Арбаъ ёр этдинг ул асҳобдин махсусроқ,

Келтуруб авлодидин нурайни дорин зиё.

Ғазалнинг мақтаёсида шоира Яратганга илтижо қилиб, раҳмат дарёсидан бенасиб қўймаслигини сўрайди:

Раҳматинг дарёсидин навмид қўйма, эй Карим,

Раҳм қилсанг, бир нафасда Вайс ўлур дурри сафо.

Мазкур ғазал анъанавий 7 байтдан иборат. Арузнинг рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган. Яъни фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун.

Тактеъси: - V - - | - V - - | - V - - | - V - .

Ғазалнинг қофиялари “менго” – “ибо” – “жудо” – “худо” – “илтижо” – “мустафо” – “зиё” – “сафо” сўзлари орқали юзага келган.

Жаҳонотин Увайсийнинг “Эй ҳақиқат подшаҳи, оламни қилдинг сен бино”¹⁹ деб бошланувчи ғазалини ҳам аввал Аллоҳ таолога, сўнггра Расули акрам мадҳларига ва сўнгги байтларда яна Яратганга илтижо билан якунлайди.

Ушбу ғазалда Яратганнинг кудрати чексиз эканлигини, Одам атонинг тупроқдан яралганига ишора қилиб, шоира талмеҳ санъатидан унумли фойдаланган ҳолда Одам Атонинг авлодидан қанчадан-қанча пайғамбарларни бино қилганини ҳайрат билан таъкидлайди:

Ҳикматингдин ҳазрати Одамни пайдо хокдин,

Айладинг сунъунг била то неча пайғамбар бино.

Ғазалнинг 4-байтида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳиссаломни жаъмийки пайғамбардан-да улуғ сифатлари зикр этилган:

Раҳматинг дарёсидин қилдинг бино дурриятим,

Ломаконигда анга меърожни қилдинг ато.

Шоира Расулуллоҳни гуноҳкор бандаларига пайғамбар айлаб, қиёмат кунига кафил қилганига Яратганга шукроналар айтади:

Раҳм айлаб жумла осий банданга ул шоҳни,

Меҳрибон эттинг биза қилдинг кафил рўзи жазо.

¹⁹ Увайсий. Қўлёзма.Девон. Андижон вилоят Адабиёт ва санъат музейи жамғармаси.ТР.Қ (туркий қўлёзма) 05.105 varaқ. 1288 ҳижрий (м.й.1870). №138049. 1-2 б.

Юқорида келтирилган байтнинг ҳар икки мисрасида ҳам тазод санъатидан моҳирона фойдаланилган.

Ушбу ғазал ҳам анъанавий 7 байтдан иборат. Арузнинг рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган. Яъни фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун.

Тактеъси: - V - - | - V - - | - V - - | - V - .

Ғазалнинг қофиялари “бино” – “раббано” – “муқтадо” – “ато” – “жазо” – “ибтидо” – “муддао” сўзлари орқали юзага келган.

Увайсийнинг **“Аё Саййиди оламайни маҳлиқо”**²⁰ деб бошланувчи ғазали аввалгиларидан қисман фарқ қилиб, асосан, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳи васалламнинг наъту тавсифлари баёнига тўхтаб ўтилган. Ғазалнинг матлаъсида Муҳаммад алайҳи васалламни ҳар икки оламда яратилмиш маҳлуқотларнинг сарвари, барча пайғамбарлар юлдуз бўлса, ул зот ой эканлиги баён қилинган:

Аё Саййиди оламайни маҳлуқо,

Ки даврингда кавкаб эрур анбиё.

Ушбу ғазал матлаъсини қуйидагича ҳам талқин қилиш мумкин: сизнинг даврингизгача пайғамбарлар осмондаги юлдузларча сон-саноксиз яшаб ўтдилар, аммо сиз икки оламда яратилмиш маҳлуқотларнинг сарварисиз.

Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” асарида Одам Атога бағишланган қиссаларининг бирида шундай ҳикоят учрайди:

Аллоҳ таоло тақиқлаган ишни қилгани учун ерга қувилган Одам Ато кўп йиллар давомида юзтубан ҳолда йиғлаб, Яратгандан афв сўрайди. Шундай кунларнинг бирида Яратган осмондаги бир ёруғ юлдузни кўрсатиб, бу юлдуз Муҳаммад алайҳи васалламнинг руҳи эканлигини, бутун оламини, барча маҳлуқоту набототни, жаннатни,

²⁰ .Увайсий. Қўлёзма.Девон. Андижон вилоят Адабиёт ва санъат музейи жамғармаси.ТР.Қ (туркий қўлёзма) 05.105 варақ. 1288 ҳижрий (м.й.1870). №138049. 2-3 б.

ундаги хуру ғилмонларни, барча пайғамбарларни ул зот туфайли яратганлигини ва унинг авлодидан бўлишини айтади.

Қуйида келтирмакчи бўлган байтимизда гўё Увайсий юқоридаги ҳикоятга ишора қилгандек:

Туфайлингдин ўлди тамоми русул,

Беҳишт ичра хур кавсару бино.

Кетургай худо сўзини Жаброил,

Дегай : Ё Расули хабиби худо.

Юқоридаги байтда ваҳий фариштаси Жаброил Муҳаммад Мустафо алайҳиссаломга Тангри азза ва жалланинг сўзларини етказиб: “Ё Аллоҳ таолонинг энг яқин расули “, -деб сўз бошлайди.

Юзунг садқаси чун олиб меҳрни ,

Бошингда фалак ўргулур доимо.

Халқимизда бир удум бор: азиз кишисига кўз тегмасин деб, арзирли нарсани бошидан айлантириб садақа қиладилар. Юқоридаги байтда Яратган севимли расулининг бошидан ҳар куни наинки инсоният, балки қаҳкашон(галактика) учун жуда зарур бўлган қуёшни айлантириб садақа қилиши ҳусни таълил санъати воситасида тасвирланган.

Назар хока солсанг, бўлур дамда зар,

Сўзунг куфр элига эрур жонфизо.

Ваҳий фариштаси Пайғамбаримиз таърифларини давом эттиради: “Агар тупроққа қарасангиз, дам ўтмай зарга айланади, сўзингиз куфр элининг жонига оро кирувчидир”.

Бугун тийра таъбим сенинг наътингга,

Узотти қўлин хуршиди Ваз-зуҳо.

Шоира юқоридаги байтда Пайғамбаримиз наътларини баён этишдек ғоят мушкул вазифани бажаришида ислом динининг муқаддас китоби “Қуръони Карим”нинг ” Ваз-зуҳа “²¹ сураси ёрдам қўлини чўзганлигига

²¹ Қуръони карим / Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. –Т.: Чўлпон, 1992. 471 б.

талмех шеърӣ санъати воситасида ишора қилади. Маълумки, “Ваз-зуҳа” “Қуръони Карим”нинг Аллоҳ таоло ўзининг сўнгги пайғамбарига нисбатан бўлган меҳр-муҳаббати ва раҳм-шафқати ҳақида Макка шаҳрида нозил қилинган ўн бир оятдан иборат сурасидир.

Увайсийни маҳшар балиётидин

Ўзунг сақлагил, гарчи бу юзи қаро.

Ушбу ғазалнинг мақтаёсида Увайсий камтарлик билан гарчи юзи қаро бўлса ҳам, қиёмат балоларидан сақлашини Муҳаммад алайҳи васалламдан ўтинади, чунки ул зот рўзи жазо кунда умматларига кафил бўлишини аввалги ғазалларида кўриб ўтдик. Юқорида келтирилган ғазал ҳам 7 байтдан иборат. Арузнинг мутақориби мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган. Яъни фаулун, фаулун, фаулун, фаул.

Тақтеъси: V - - / V - - / V - - / V - .

Ғазалнинг қофиясини “маҳлуқо”, “анбиё”, “бино”, “худо”, “доимо”, “жонфизо”, “ваз-зуҳо”, “юзи қаро” сўзлари юзага келтирган.

Жаҳонотин Увайсийнинг ҳамд ва наът мазмунидаги ғазаллари 20 дан зиёд бўлиб, юқорида улардан бир нечтасини таҳлилга тортдик. Ушбу ғазаллар ғоявий-бадий жихатдан баркамоллиги билан шоиранинг ижодий камолотини белгилаб бера олади.

Увайсийнинг ҳамд ва наът мазмунидаги **“Бихамдиллах, тилимни айладим ҳамдинга ман гўё ”** ғазали ҳам ўзида шоиранинг дин ва дунё ҳақидаги чуқур фалсафий қарашларини акс эттиради:

Бихамдиллах, тилимни айладим ҳамдинга ман гўё,

Бўлуб минқори найдек бош аёғим жумлаи аъзо.

Матлаънинг қисқача мазмуни қуйидагича: эй Яратган эгам, бошимдан то оёғимгача бўлган барча аъзоларим минқор қушнинг найидек бўлиб сенинг ҳамдингни куйламоқда, шунинг учун ҳам мен сенинг ҳамдингни васф этмоққа киришдим. Шу ўринда савол туғилади? Нима учун шоира айнан минқор қушнинг найидек куйлаш ҳақида гапирмоқда?

Нима учун оддий най ҳақида эмас? Айтишларича, минқор қушнинг тумшуғи узун ва жуда кўп тешиклардан иборат бўлар экан. Осмонда парвоз қилаётган минқор қуш қанчалик ҳар хил ҳаракатларни бажарса, тумшуғидаги тешиклардан шунчалик турфа оҳанглар пайдо бўлар экан. Тасаввуф истилоҳига кўра **най** илоҳий ишқ билан тўлган қалбнинг рамзидир. Демак ,юқоридаги байтни қуйидагича шархлашимиз ҳам мумкин: шоира қалби Яратганга бўлган ишқ билан лиммо-лим тўлган, шу сабабли унинг бутун танаси, наинки, оддий найга, балки минқор қушнинг тумшуғига ўхшаш найга айланиб турфа оҳанглар юзага келтирмоқда. Ушбу шеър 138050 инвентар рақами билан сақланаётган девоннинг биринчи ғазали эканлигига эътибор қаратсак, фикримиз ойдинлашади. Шоиранинг қалби Тангрига чексиз муҳаббат билан тўлган. Яратганга қанчалик баланд пардаларда ҳамду санолар айтса, унинг яратиклари ҳикматидан ҳайратланса, шунчалик бир-биридан гўзал бўлган оҳангни ўзида мужассам этган ашъорлар яратади ва бундан завқланган, илҳомланган шоира янада ғайрат билан ижод қилишдан ўзини тўхтатолмайди. Ушбу ғазалда мутлақ ташбеҳдан унумли фойдаланилган.

Кейинги байтда матлаъдаги фикрлар тадрижий равишда кучайтириб борилади.

Калисо ичраву масжиднамову дайр аро юрмиш,

Насороу, муғу, мўмин билан юз габр, юз тарсо.

Юқоридаги байтнинг мазмуни қуйидагича: Эй яратган Эгам! Бандаларингни эътиқодини ҳар қилиб яратиб қўйибсан. Насоролар яъни христианлар калисога, мўминлар эса масжидга бориб эътиқод қиладилар, аммо баъзилар эса дайр аро (шайтоний истаклар жамланган дунё) сарсон кезадилар. Бу ҳаётда кимларнидир насоро, муғ, мўмин қилиб, ҳам дин , ҳам дунёдаги ишлар билан машғул қилиб қўйибсан. Лекин баъзиларни бутунлай габр яъни диндан қайтган , айримларни эса тарсо(тасаввуфий истилоҳ бўлиб, барча дунёвий истаклардан бутунлай воз кечиб фақат

ўзини тамоман худога бахш этган инсон тимсоли) қилиб яратилганидан шоира хайратга тушади.

Ушбу байтда таносуб ва тазод шеърий санъатларидан моҳирлик билан фойдаланилган.

**Санинг зотингга ҳар тил лол алкандур, деёлмас тил,
Сифотингнинг гулин искаб кўнгилдурур булбули шайдо.**

Юқоридаги байтнинг мазмуни қуйидагича: Эй Тангрим, сенинг зотингни таърифлашга ҳар қандай тил ҳам дудукдек тилдан қолади, лекин гулдек гўзал сифатларингни кўриб, ҳидлаб гулга ошуфта булбулдек нола қила бошлайди. Бу байтда гул ва булбул сўзлари воситасида таносуб, биринчи ва иккинчи байтлар орасида мазмун жиҳатдан тазод шеърий санъати қўлланилиб байтга ўзгача фусун бахш этган.

Қуйидаги байтда шоира Тангри таолога муножот қилиб, телба кўнглим дунёвий истаклар билан мени расво қилди,ё Раб, энди кўнглимни фақат сен банд этгинки, оқибатда бу дунёнинг орзу-ҳаваслари, истакларига кўнглимда жой қолмасин.

**Мани расво этибдур телба кўнглум дайр аро, ё Раб,
Ўзунг сори талаб қил билмасин дунёву мофийҳо.**

**Сифотингни ўзунг билдирдунгу сўз дер киши гоҳи,
Вале зотингга мандиндур батар юз бу Али Сино.**

Қуйидаги байтда шоира Яратганнинг қудрати ҳақида сўз юритиб шундай дейди: Жаҳондаги барча зотларни, жумладан, гул юзли, қади шамшод дарахтидек келишган , кўзлари шаҳло гўзалларни ҳам яратгувчиси сенсан.

**Жаҳон боғига бутди оби ёри қудратинг бирла,
Юзи гуллар, қади шамшодлар ҳам кўзлари шаҳло.**

Кейинги байтда шоира юқоридаги фикрлари ўзга поэтик тасвирлар орқали давом эттиради:

Этарсан тоғ аро кўп лаъл ила махзан,

Қилурсан баҳри найсон қатрасидин лўълўи лоло.

Яъни қудратинг улуғлиги шундаки , эй қодир Эгам! Тоғлар орасида арзимас тошлар билан биргаликда лаъл ва бошқа қимматбаҳо тошлардан иборат хазиналарни ҳам яратиб қўйибсан, гарчи уларнинг таркиби бир хил элементлардан иборат бўлса ҳам уларнинг қимматини ҳар хил қилиб қўйибсан. Байтнинг иккинчи мисрасида бу фикрлар янада авж нуктага кўтарилади: қудратинг буюқлигидан айнан баҳор ёмғири томчисидан ҳам уммону кўлларни ҳосил қила оласан, ҳам порлоқ марваридларни яратасан! Халқ орасида шундай нақл бор: баҳорнинг илк кунларида чиғаноқлар ё денгиз сохилларига ёки қирғоқдан узоқроқ бўлса, сув юзасига чиқиб илк баҳор ёмғирини кутиб ётар экан. Ёмғир томчиси оғзига томиши билан сув тубига шўнғир экан. Ёмғир сувини ютган чиғаноқ ичида турли кимёвий реакциялар юз бериб, марварид ҳосил бўлар ва чиғаноқ ҳалок бўлар экан. Демак, Яратганнинг қудрати шу қадар улуғки, бир хил асосдан ҳар хил моддаларни ярата олади, худди инсонларни қади-басти келишган ва нуқсонлиларини, гўзал юзли ва хунукларини, ақли расо ҳамда норасоларини бир хил ота-онадан яратгандек:

Заифу хаста зоду ҳазину гунг, лол эрмиш,

Увайсий қайси тил бирла десун ҳамдингни бар аёло.

Шоира ғазали мақтаёсида яна Тангрига илтижо қилиб шундай дейди: мен бир заифа бўлсам, сенинг қудратингни англаганимдан буён ҳайратдан гунг ва тилим лол бўлиб қолдим, энди шу ҳолимда сенинг ҳамдингни қандай қилиб баланд, авж пардаларда куйлай оламан.

Агар ушбу ғазални матлаёси ва мақтаёсини солиштирсак, шоиранинг мақсади келиб чиқади.

Матлаъ: Биҳамдиллаҳ, тилимни айладим ҳамдинга ман гўё,

Бўлуб минқори найдек бош аёғим жумлаи аъзо.

Мақтаёси: Заифу хаста зоду ҳазину гунг, лол эрмиш,

Увайсий қайси тил бирла десун ҳамдингни бар аёло.

Матлаъда шоира Яратганнинг ҳамдини минқори найдек куйламоқчи, аммо кўнглидагидек, баланд пардаларда ҳамду сано айта олмаганидан мактаъда куйинмоқда, шунинг учун Тангридан бу йўлда мадад сўрамоқда.

Юқоридаги ғазал Жаҳонотин Увайсийнинг ҳамд ва наът мавзусидаги шеърларига мансуб бўлиб, арузнинг ҳазажи мусаммани солим, яъни мафойилун-мафойилун-мафойилун-мафойилун вазнида ёзилган.

Тақтеъси: V- - - V- - - V- - - V- - - .

Ғазалнинг қофияси қуйидаги сўзлар билан юзага келган: “гўё”, ”аъзо”, “тарсо”, “мофийҳо”, “Али Сино”, “шахло”, “лўълўи лоло”, “бар аъло”.

“Лолдур ҳамдингга тил зоти улугъ поки худо” деб бошланувчи ғазали ҳам аввалги ғазали каби Яратганга ҳамд мавзусидадир.

Ғазалнинг матлаъсида шоира шундай деб сўз бошлайди: эй ҳамдига тил ожиз бўлган пок худо! Сен “кун” яъни “ярал” дединг ва бу олам, еру осмондаги ҳамма тирик жонлар яралди.

Лолдур ҳамдингга тил зоти улугъ поки худо,

“Кун”, - дединг, бўлди бу олам ҳама жон арзу само.

Кейинги байтда эса барча дашту биёбонларни, барча тоғларни, жаннат, кавсар, лавҳ ва қаламни, арши аълони яратган зот зикр этиб ўтилади. Биринчи байтдаги дашту биёбон ва тоғлар сўзлари ўзаро тазод шеърий санъатини юзага келтирган. Байтнинг иккинчи мисрасида келтирилган жаннат, кавсар, лавҳ, қалам ва қалам сўзлари воситасида таносуб шеърий санъати ҳосил бўлган.

Ҳама идбораи дашту, ҳама ҳомуни жибол,

Жаннату кавсару лавҳу қаламу арши аъло.

Қуйидаги байтда эса Яратган раҳматидан саккиз жаннатни ясатгани, безатгани, байтнинг иккинчи мисрасида Яратган қаҳридан етти дўзахни яратганини ҳайратланиб, тазод шеърий санъатидан фойдаланган ҳолда гўзал бир тарзда таъкидлаб ўтади:

Раҳматингдин ки муроссаъ этибон ҳашт беҳишт,

Айладинг ҳафт тамуғни яна қаҳрингда бино.

Кейинги байтда шоира Тангри ҳақ динини инсонларга англатиш учун барча пайғамбарларни яратганлигини, ҳамма пайғамбарлардан охиргисини меҳру вафо билан дўст билиб яқин олганини гапириб ўтади:

Равшани дин сабаби чун яратиб жамъи расул,

Дўст тутдинг баридин хатми набийинг меҳру вафо.

Навбатдаги байтда фалакдаги барча фаришталару, ер юзидаги лолаю яшил райҳонлар ҳам Аллоҳ таолога, ўз яратувчисига ҳамду сано айтиш билан машғул бўлиши айтиб ўтилган. Байтнинг биринчи мисрасидаги фалакдаги фаришталар иккинчи мисрадаги ер юзида ўсувчи лолаю райҳон билан ўзаро тазод шеърӣ санъатини юзага келтирган.

Амринга машғул ўлубдур ки фалак узра малак,

Лолау сабзау райҳон сенга дер ҳамду сано.

Кейинги байтда тоғлар орасида лаъл ва зуммурат каби қимматбаҳо маъданларни яратиб қўйибсан худди садаф ҳосил бўлган қоринда дурри сафони яратгандек деб, Аллоҳнинг ҳамма нарсага қодирлигидан шоира ҳайратланади. Биз аввал ҳам дур ва садафларни пайдо бўлиши ҳақида тўхтаб ўтган эдик. Ушбу байтда юқоридаги фикрлар янада ривожлантирилади. Маълумки, чиғаноқлар илк баҳор кунларида сув юзасига чиқиб илк ёмғир сувларини кутиб ётади. Ёмғир томчилари тушиши билан оғзини ёпиб сув қаърига равона бўлар экан. Чиғаноқнинг оғзига ёмғир томчилари баъзан бир томчи, баъзан эса бир неча томчи кириб қолар экан. Шунда ўнлаб марваридлар ичида биттаси дурри сафо яъни энг каттаси ва энг порлоғи бўлиб етишар экан. Байтнинг биринчи мисрасидаги яратган маъданларинг ичида лаъл ва зуммуратни пайдо қилганингдек, иккинчи мисрадаги садафлар ичида дурри сафони яратдинг, дейилиши тамсил шеърӣ санъатини ҳосил қилади.

Лаъли ёқут зуммуратдин ўлуб маъдани сунъӣ,

Муқаннаъдур ки садаф батнида ул дурри сафо.

Қуйидаги байтда эса шоира Тангрининг қудратидан таажжубланиб, Одам ато ва Момо Ҳавводан тарқалган инсонлар ҳақида чуқур ўйга чўмади. Жаҳонотин Увайсий бу контраст ҳолатга ажабланиб, бундан ҳикмат излайди: Эй қудрати улуғ Тангрим, Сен кимларнидир бой султон қилиб, кимларнидир бировларнинг эшикларидан ризқини мўлтираб териб юрувчи гадо қилиб яратибсан. Бу байтда биринчи мисра билан иккинчи мисрадаги султон ва ғаний билан эшикларда муфлис бўлиб юрувчи гадо сўзлари ўзаро тазод шеърӣй санъатини юзага келтирган.

Қудратингдин яратибсан бирни султону ғаний,

Бирни муфлис этиб, бирни эшикларда гадо.

Кейинги байтларда бу фикрлар янада ривожлантирилади: эй Парвардигор, баъзиларни обид (ибодат қилувчи) ва зоҳид (тарқи дунё қилган), баъзиларни сожид (Яратганга сажда қилувчи), яна бирларини Ҳаққа жонини фидо этувчи ошиқ (ишққа мубтало) қилиб яратиб қўйибсан. Энди бу байтда таносуб шеърӣй санъатидан фойдаланилгани ўзгача шукуҳ бағишламоқда.

Бирни обид била зоҳид, бирни бирни сожиди салот,

Бирни ошиқи шариф жонидурур ҳаққа фидо.

Қуйидаги байтда аввалги фикрлар давом эттирилади: баъзиларни ширинсўзлик билан ом (омма) ва хос (алоҳида) каби тоифаги инсонларни хушнуд этиши, баъзиларни эса занбур яъни ари каби мўминларга азоб бериши контраст усулида бериб ўтилган.

Баъзи ширинсўз илан хушнуд этар ом ила хос,

Баъзи замбур каби мўминиға бергай азо.

Баъзи дард ила гирифторки, баъзи ғам илан,

Баъзи бумқуш киби шабрўз қилур баъзи наво.

Юқоридаги қўшмисрада дунёдаги барча инсонлар нима биландир машғул эканлиги: баъзилар дард билан, баъзилар ғам билан, яна баъзилари эса бумқуш яъни бойўғли каби тун-кун вайроналарда оҳ-воҳ билан

яшашидан шоира ажабланади. Иккинчи мисрадаги бумкуш, шабрўз сўзлари ўзаро таносуб шеърий санъатини юзага келтирган.

Карамингдин хама жунбуш била сокин кўринур,

Қай кун мавқуфда жумла жаҳон бўлғай адо.

Кейинги байтда Увайсий Тангрининг карамидан яъни саховатидан ҳамма нарса ё сокин(ҳаракатсиз), ё жунбуш(ҳаракатчан) ҳолатида бўлади, лекин белгиланган, тайин қилинган кунда бутун олам кунфаякун(бутунлай йўқ бўлиб) кетади. Холбуки, оламни яратгувчи ҳам, уни ҳаракатга келтирувчи ҳам, уни завол топтирувчи ҳам Аллоҳ! Ундан қудратли, ундан карамли зот йўқдир!

Санамим деб бу Увайсий тилидан ёзган учун,

Куйдурубсан бу муҳаббат ўтида ё Самадо.

Ғазалнинг мақтаъсида шоира шундай дейди: эй Тангрим, сени мен қанчалик севиб ҳамдингни келтирсам, шунчалик мени муҳаббат ўтида куйдирибсан.

Шоиранинг ушбу ғазали арузнинг рамали мусаддаси маҳзуф ёки мақсур яъни фоилотун, фоилотун, фоилун ёки фоилон вазнида битилган.

Тактеъси: - V - - / - V - - / - V - ёки - V - - / - V - - / - V ~ .

Қофиялари қуйидаги сўзлар воситасида юзага келган: “ худо”, “ само”, “ аъло”, “ бино”, “ вафо”, “ сано”, “ сафо”, “ гадо”, “ фидо”.

“Эй хожай халойиқ, маҳбуби кибриё” деб бошланувчи шоиранинг яна бир ғазали ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга наът мавзусида бўлиб, жами тўққиз байтдан иборат.Ғазал матлаъсининг мазмуни қуйидагича: Эй барча халқларнинг эгаси, энг буюк зот(Аллоҳ таоло)нинг суюклиси, Яратганнинг наздида энг юқори мақомда тургувчиларнинг энг поки,- дея Пайғамбаримизга хитоб билан бошланади.

Эй хожай халойиқ, маҳбуби кибриё,

Маснаднишин суффаи аълои босафо.

Кейинги байтда Расуллуллоҳга хитоб давом этади: Эй Муҳаммад алайҳиссалом сенга “ Тоҳа” сураси лақаб бўлиб қолди. Ғазалнинг 2-

байтида ислом динининг муқаддас китоби бўлмиш “ Қуръони Карим” даги “ Тоҳа” сурасига ишора қилинган. Бу суранинг нима сабабдан “ Тоҳа” деб номлангани хусусида турли ривоятлар мавжуд. Уларнинг аксариятида “ Тоҳа” – пайғамбар алайҳис-саломнинг исмларидан биридир, дейилади. “Қуръони Карим” даги “ Ваш-шамс” - “ Қуёшга қасам”, “ Ваз –зуҳа” – “Чошгоҳ вақтига қасам” суралари сенинг муборак юзининг шарҳлайдилар.

Бу байтда шоира “ Қуръони Карим”нинг муборак сураларига ишора қилиб талмеҳ санъатидан унумли фойдаланган.

Эй саййидоки санга тоҳа лақаб эрур,

Тафсири меҳри ораз ваш-шамсу ваз-зуҳо.

Ғазалнинг 3-байтида шоира “ Қуръони Карим”нинг сураларига ишора қилишни давом эттиради: “ Вал-лайл” – “ Кечага қасам” сураси , эй Муҳаммад, қора тун рангидаги сочингизга ишорадур. “ Ва-н-нажм”- “Юлдузга қасам” сураси билан бутун пайғамбарлар тарихида ягона бўлган мислсиз мўжиза – Муҳаммад алайҳис- саломнинг меърожга чиқишларини ва у даргоҳдаги ақлу шуурни лол қилгувчи манзарани тасвири билан бошланувчи олтмиш икки оятдан ташкил топган сурага ишора қилинади.

Ривоят қилишларича, Муҳаммад алайҳис-салом ҳафтанинг душанба куни аммаси Уммаҳонинг уйларида меҳмон бўлган куни Яратганнинг пайғамбарларга энг олий тухфаси бўлмиш меърожга мушарраф бўлади. Расуллуллоҳ Аллоҳ таолонинг ҳузурларидан жуда кўп йиллар ўтиб қайтиб келсалар, меърожга кетишидан аввал аммаси Уммаҳо эшикнинг тагида жиянини ҳимоя қилиш учун қўлларига асо ушлаган ҳолда мудраб ўтирган эдилар- қайтиб келган вақтларида, хали ҳам шу ҳолатда ўтирардилар. Кетаётганларида эшикнинг зулфи тебраниб турарди, қайтганларида ҳамон эшик зулфи тебранишдан тўхтамаган, иссиқ ўринлари ҳамон совимаган эди. Бу ҳолат ислом оламидаги энг буюк мўжиза эди.

Вал-лайли ишорати шабранг зулфдур,

Ваннажм нуктаи меърожи анбиё.

Кейинги байтда шоира Рухиламин, яъни Жаброил фаришта Аллоҳ таоло билан Муҳаммад алайҳи васаллам ўртасидаги парда вазифасини бажардилар. Бир тунда фаҳий фариштаси суюкли Пайғамбаримизни меърожга олиб чиқдилар деган фикрлар ўрин олган:

Рухиламинки ғошия пардадоринг эрдилар,

Бир тун ароки берди санга манзили дунё.

Эй Расуллуллоҳ, бир тола хушбўй хид сочувчи кора сочингиз туфайли Яратган бу оламни яратди. Ҳар қандай кўзи очик, узоқни кўрувчи одам ҳам сизнинг олдингизда ҳеч ким эмас, Сиз улар кўра олмаган нарсаларни, ходисаларни ҳам кўра олгувчисиз.

Олам туфайли тораи зулфи муанбари,

Аҳли чашмки жумла эрур олдида гадо.

Кейинги байтда шундай фикрлар мавжуд: Аллоҳ таоло суюкли пайғамбарларини буюк-буюк даражотлар билан сийлаган. Масалан, Сулаймон пайғамбарга тилсимли узук, Ҳизр пайғамбарга қиёматгача тирик юриш, Юсуф алайҳиссаломга беқиёс хусн ва бошқалар. Идрис ялавочга эса Яратган тириклигида жаннат ва дўзахга истаган пайтида кириб чиқиш ҳуқуқини берган, лекин бу охират кунигача берилган имтиёз. Охират кунда нима бўлиши ёлғиз Тангрига аён. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳи васалламга эса охиратда жаннатнинг энг олий жойи насиб қилишини билган Идрис пайғамбар ҳам ғамда қолди, охират кунда менга ҳам шундай даражалар насиб қилармикан, деб ўйда қолди. Байтнинг 2-мисрасида эса гул қанчалар гўзал, ёқимли. Ҳатто, у ҳам Расуллуллоҳ юзининг ишқида ҳар дам наво қилади, деган фикрлар бор. Ушбу байтда талмеҳ ва ташҳис шеърий санъатидан унумли фойдаланилган.

Фирдавс илинжида ҳазрат Идрис ғамдадур,

Гул оразининг ишқида ҳар дам қилур наво.

Кейинги байтда Исо пайғамбар ҳақида сўз кетади. Ривоят қилишларича, осмон етти қават экан. Исо пайғамбар шуларнинг тўрттасига чиқа олиш ҳуқуқига эга экан, ундан юқорига чиқишга рухсат йўқ. У ҳам

тўртта осмон оралиғида туриб, Муҳаммад алайҳи васалламни бир бора кўришни ҳар дам Яратгандан сўрайди, деб айтилган. Бу байтда ҳам талмехдан унумли фойдаланилган.

**Исо эрурки, сокини афлоки арбаъи,
Ҳар дам тилар васлини айларки илтижо.**

**Шамси қамарки, зарраи хуршид орази,
Шаҳлои жоми наргис мастию мотоғо.**

Юқоридаги байтда Пайғамбаримиз таърифи яна давом этади. Эй Расуллуллоҳ, куёш ва ой Сизнинг нурли юзингиз заррасидир, мумтоз адабиётда сузик, кўрган инсонларни маст қилувчи кўзлар наргиз гулига менгзалган. Ушбу байтда шоира Пайғамбаримиз юзини кўргач, ҳаддан ташқари гўзаллигини кўриб, наргиз гулининг жоми маст бўлиб, сузилиб қолди, деган гўзал ўхшатишлар мавжуд. Ушбу байтда ҳусни таълил, ташбеҳ ва таносуб шеърий санъатларидан моҳирона фойдаланилган.

**Бу ожизи Увайсийни навмид қилмағил,
Явмуннашу ичиндаки султон бовафо.**

Ғазалнинг мақтаёсида шоира барча ҳамд ва наът мавзусидаги ғазаллари мақтаёсидаги каби ўзини бир ожиза санаб, белгиланган кун хурсандчилик келтиришини, яъни ўша куни Пайғамбаримиз шафоат қилишини, ноумид қўймаслигини аввал Яратгандан, сўнгра Муҳаммад алайҳи васалламдан ўтиниб сўрайди, чунки Аллоҳ таоло ҳам, унинг сеvimли расули ҳам ваъдага вафо қилгувчиларнинг султонидир. Бу ғазалда бежиз муқаддас “Қуръони Карим” китобидаги “Тоҳа”, ”Ваш-шамс”, “Ваз-зуҳа”, “Вал-лайл”, “Ван-нажм” суралари тилга олинмади, чунки ушбу суралар, наинки, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳи васалламни таъриф тавсиф қилади, балки барчаларида Яратганнинг қасами ва ваъдаси мавжуд. Ҳар бир муслим ва муслима тилакларини, аввало, Яратган Ҳақ субҳонаху ва таолодан тилайди, сўнгра суюкли пайғамбаридан кафил бўлишини ўтиниб сўрайди. Жаҳонотин Увайсий ҳам жуда қийин

ижтимоий замонда, ноҳақликлар ва хўрликлар кўриб, беваликда, жондан азиз фарзандларидан бевақт жудо бўлиб, мусофирликда яшаб ўтди. У фоний дунёда кўрмаганини боқий дунёда кўришини Яратгандан чин дилдан сўради, зеро иймон ва ишонч ислом динининг асосидир.

II боб юзасидан хулосалар

Иккинчи бобда Жаҳонотин Увайсийнинг ижодидаги жанрлар кўлами ва тавсифига кенг ўрин берилди. Бугунги кунгача маълум бўлган ва тадқиқотларимиз самараси ўлароқ Увайсий ижоди кўламига қўшилаётган жанрларни ҳисоблаб, таснифлашга ҳаракат қилдик. Ушбу боб қуйидаги қисмлардан иборат: боб ҳақида умумий фикр(Увайсий шеърояти жанрлар тизими ва асарларининг бадиий хусусиятлари) ва икки фаслдан иборат. Биринчи фаслда шоира ижодий меросининг жанрлар кўлами, вазн хусусиятлари ҳақида сўз боради. Бобнинг иккинчи фаслида эса Увайсийнинг ҳамд ва наът мавзусидаги ғазаллар поэтикаси ҳақида фикр юритилади.

III боб. Увайсий лирикасида анъана ва издошлик

Шоир ва шоираларнинг юксак бадиий маҳорат эгаси бўлишида шарқ адабиётининг йирик намоёндаларидан таъсирлангани ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жаҳонотин Увайсий ижодида ҳам Навоий, Фузулий, Бедил, Машраб каби ўзига устоз деб билгувчи салафларига пайравлик аниқ сезилиб туради. Айниқса, шоира шеърят мулкининг султони бўлмиш Алишер Навоийнинг анъаналарини давом эттириб, буюк устозига издош сифатида ижод қилгани шоиранинг девонларида намоён бўлади. Алишер Навоийнинг девонларида 16 та шеърӣ жанр намуналари мавжуд. Жаҳонотин Увайсийнинг ҳозирги кунда маълум бўлган 4 та девонини кўздан кечирсак, 10 дан ортиқ лирик жанрларда самарали ижод қилганини кўришимиз мумкин.

Шоиранинг Шарқшунослик институти қошидаги қўлёзмалар орасида 1857 инвентар рақами билан сақланаётган девонида 269 та ғазал, 29 мухаммас, 55 мусаддас, 1 мураббаъ, 13 чистон, 1 таркиббанд, 4 таржеъбанд каби жанрлардаги шеърлар мавжуд. Андижондаги Адабиёт ва санъат музейида 138049; 138050, Ўлкашунослик музейида 138048 инвентар рақами билан сақланаётган Жаҳонотин Увайсийнинг 3 та девонидаги барча лирик мероси ўрганилса, юқоридаги санаб ўтилган шеърӣ жанрлар сони янада ошади.

Ўзбек мумтоз адабиёти билимдони Амонулло Валихоновнинг таъкидлашича: “Анъана сифатида шоира Навоий, Фузулий ғазалларига мухаммаслар боғлаган бўлса ҳам, лекин назирачиликда (татаббуъда) одобга қатъӣ риоя қилади. Чунончи, унинг “Кокулинг” радифли ғазали улуғ шоиримиз Алишер Навоийнинг “Кошки” радифли машҳур ғазалидан таъсирланиб, унга пайравлик йўсинида татаббуъ жанрида ёзилган бўлса ҳам, унда қофия ва радифни бошқача танлаган”.

Навоий: **Очмағай эрдинг жамоли оламоро кошки,
Солмағай эрдинг бори оламда ғавғо кошки.**

Увайсий: **Бўлмасайди то паришонлиғда зебо кокулинг,
Қилмағайдим шона чоғида тамошо кокулинг.**

Навоий ва Увайсийнинг юқорида келтирилган ғазаллари шеърият учун энг анъанавий бўлган рамали мусаммани маҳзуф, яъни фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун вазнида ёзилган.

Тактеъси: - V - - | - V - - | - V - - | - V - .

Алишер Навоийнинг яна бир маърифатни улуғловчи машҳур ғазалига Увайсийнинг 138050 инвентар рақамли девонидаги ушбу ғазали татаббуъ сифатида ёзилган деб ҳақли равишда айта оламиз.

Навоий: **Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.**

Увайсий: **Ҳақ йўлида барча ишдин мўътабар ҳарф ражо,
Бул фано ҳолиғадур зеру забар ҳарф ражо.**

Ушбу ғазаллар ҳам рамали мусаммани маҳзуф (ёки мақсур), яъни фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун (ёки фоилон) вазнида ёзилган.

Тактеъси: - V - - | - V - - | - V - - | - V - (ёки - V ~) .

Ҳар икки ғазалнинг ғоялари ҳам муштарак бўлиб, маърифатпарварлик руҳида яратилган. Ҳар иккисида ҳам илм олмоқ зарурлигини, илм ўргатмоқ эса энг юксак, шарафли касб эканлигини, ҳаттоки, бир ҳарфни ўргатган инсоннинг ҳаққини юз хазина бериб ҳам адо этиб бўлмаслиги жуда ҳам гўзал шаклда айтиб ўтилган.

Алишер Навоийнинг “Шашмақом” таркибига кирадиган “Ушшоқ” (“Ошиқлар”) куйи асосида қўшиққа айланган машҳур “Қилғил” радифли ғазалига Увайсийнинг “Қатл этмакликка...” деб бошланувчи ғазали шаклан ва ғоявий-бадий жиҳатдан жуда яқин. Шоиранинг бу ғазалида қўлланган “расан”, “беватан”, “анжуман”, “чаман”, “кафан” қофиялари ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Аниқлик киритиш мақсадида ғазалларидан бир байтдан келтирамиз.

Навоий: **Юзида терни кўриб, ўлсам, эй рафиқ, мени**

Гулоб ила юв-у, гул баргидин кафан қилғил.

Увайсий: **Ёр илкидин қадах ичсам таваққуф қил, ажал,**

Ушбу сўзонлиғ била ўлсам куяр гўр-у кафан.

Навоийнинг яна бир эл орасида машхур бўлган “Кўргали хуснунгни...” деб бошланувчи ғазалидан ҳам Увайсий ғоят таъсирланган кўринади. Фикримизнинг исботи сифатида шоиранинг “Расво бўлур, гар ўлса...” деб бошланувчи ғазалини келтиришимиз мумкин.

Навоий: **Кўргали хуснунгни зор-у мубтало бўлдим санга,**

Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдим санга.

Увайсий: **Расво бўлур, гар ўлса киши мубтало санга,**

Бегонадур тааллуқидин ошно санга.

Юқоридаги ғазалларда ҳам услубий ўхшашлик, яъни қофия ва радифлар ўхшашлигидан ташқари ғоялари ҳам муштаракдир.

Туркона шеърлар ёзиб машхур бўлган Атоийнинг “Айласа” радифли ғазали бор. Ундан Навоий таъсирланиб, ўзининг машхур “Айласа” радифли ғазалини ёзган. Ушбу ғазаллар Увайсийни ҳам бефарқ қолдирмаган кўринади.

Навоий: **Ўзгалар хуснун тамошо айласам чиқсин кўзум,**

Ўзга бир кўз ҳамки хуснунгни тамошо айласа.

Увайсий: **Шона урсам ғайри зулфига, чақилсун қўлларим,**

Қайси бир машшота ҳам, зулфунг паришон айласа.

Ҳар икки ғазал ҳам рамали мусаммани маҳзуф (ёки мақсур), яъни фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун (ёки фоилон) вазнида ёзилган.

Тақтеъси: - V - - | - V - - | - V - - | - V - (ёки – V -).

Радифлари бир хил, лекин қофиялари ўзгарган, ғоявий-бадий жиҳатдан муштарак.

Жаҳонотин Увайсий Алишер Навоийнинг “Ҳайф” радифли, “Эй куёш, васфин демақдин...”, “Эй орази - насрин, сочи - сумбул...”, “Зухди тоат шахдини...” деб бошланувчи ғазалларига гўзал мухаммаслар боғлаган.

Шоира ижодида мухаммасларнинг ҳар икки турини: мустақил ва тахмис мухаммасларни учратишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Алишер Навоийдан сўнг шарқ мамлакатларида унинг ижодидан баҳраманд бўлмаган, анъаналарини давом эттириб, унга издошлик қилмаган бирор бир ижодкор топилмаса керак. Зеро, юқорида келтириб ўтган, муқояса қилинган ғазалларга асосланиб, Жаҳон- отин Увайсий ҳам ўзига шеърият мулкининг султони бўлмиш Мир Алишер Навоийни маънавий жиҳатдан устоз ва пир даражасида билган деб айта оламиз.

Жаҳонотин Увайсий мумтоз ва қардош халқлар адабиётининг мухлиси эди. Унинг шеъриятида бу ҳолат яққол сезилиб туради. Шоирани энг илҳомлантирган зот, шубҳасиз, ҳазрат Алишер Навоий эдилар. Бундан ташқари шоиранинг лирикасини кўздан кечирсак, Атоий, Саккокий, Фузулий, Ҳофиз, Бобораҳим Машраб каби юксак истеъдодларнинг нафасини туямиз. Увайсий уларнинг ашъорларидаги маънони чуқур англаган ҳолда буюк зотлар билан адабий суҳбатга киришади. Номларини зикр этиб ўтган зотларимизга издошлик, наинки, уларнинг ғазалларига боғлаган мухаммасларида, балки ғазал ҳамда чистонларида ҳам кўриниб турибди.

Буюк шоир Муҳаммад Фузулий ижоди ўзидан кейинги ҳеч бир адабиёт ихлосмандларини эътиборсиз қолдирмаган. Унинг шеъриятидаги кутилмаган тасвир, фикрларнинг жилвақорлиги, сатрлардаги сўзларнинг ўйноқилиги асрлар оша ўз аҳамиятини йўқотмаган, балки вақт ўтган сари адабий қиммати ошиб бормоқда.

Жаҳонотин Увайсийни ҳам Муҳаммад Фузулий ижоди бефарқ қолдирмаган кўринади, чунки шоиранинг ижоди бундан дарак бериб турибди. Масалан, Увайсийнинг “ Журм бўлғайму эваз назми забон келтирмишам”, “ Маъшук аҳлидин васл рамзини сўрсам ўлдурурлар, сўрмасам ўлам” деб бошланувчи ҳамда “ ўлтурғуси “ радифли 3 та

ғазаллар Фузулий ижодидан илҳом олган ғазалларидан айримлари саналади.

Шоиранинг ҳаёти ва ижодида Бобораҳим Машраб ижоди муҳим ўрин тутди. Чунки Увайсий Машрабни ўзига маънавий пир санаган, хаттоки, тушларида пири муршидидан сабоқ олгани бугунги кунгача ривоятлар орқали бизгача етиб келган. Шоиранинг ижодини кузатсак, Бобораҳим Машраб шеъриятига ҳамоҳанг сатрлар кўп учрайди.

3.1 Бадий ғоя ва образлар талқини.

Мумтоз адабиётимиз минг йиллар мобайнида тадрижий равишда ривожланиб борди. Адабиётимизни ғўзал бир бўстонга қиёс этсак, унга мансуб бўлган ижодкорлар чамандаги ғўзал гуллардир. Чамандаги гуллар канчалик ўз ифориға эға бўлмасин, барибир, уларда муштараклик бор.

Жаҳонотин Увайсий ижоди ҳам ўзидан аввал яшаб ижод этган ижодкорларнинг сарчашмаларидан тўйинган ҳолда шаклланди. Мавжуд анъаналарға амал қилган ҳолда новаторлик йўлидан ҳам борди. Янги жанрлар, янгича фикрлаш, янгича шакл излашға ҳаракат қилганлиги кўпгина ижод намуналаридан сезилиб турибди.

Увайсий нафақат ўзбек, балки Шарқ мумтоз шеъриятидаги ўзига хос, бетакрор сиймо. Унинг лирикаси алоҳида бир ғўзал бадият оламини ташкил этади. Шоира ижоди бўйича кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар унинг илоҳий маърифатни, тарихий ҳақиқатни, пок эътиқодни ва ниҳоят, олий муҳаббатни тараннум этганлигини кўрсатмоқда.

Жаҳонотин Увайсий ижодини таҳлил қилар эканмиз, шунга амин бўлдики, у ўз давридаги барча диний ва дунёвий билимларни, санъат соҳаларини пухта эгаллаган. У ғазалларида дунё ҳақида чуқур ўй суради, барча масалаларни бадий таҳлил қилади. Яратганнинг ишларига, санъатига қойил қолади. Шоира ислом динининг муқаддас китоби “Қуръони карим”ни, Пайғамбаримиз ҳадисларини пухта билади ва олам ҳамда одам ҳақидаги ўйларини, ҳукмларини шундан келиб чиққан ҳолда тасвирлайди.

Барча мумтоз адабиёт вакилларида бўлгани каби Жаҳонотин Увайсий ижодидаги лирик қаҳрамон – бу шоиранинг ўзидир. Шоиранинг ижодида асосий образлар сифатида машуқ, ошиқ ва рақиб каби тимсоллар мавжуд. Увайсий ижодидаги машуқ тимсоли баъзан севимли ёр, баъзан Парвардигор, баъзан Пайғамбаримиз, баъзан эса Пир маъноларида келган.

Шоира ижодида ишқий шеърлардан кўра ижтимоий муаммолар, ҳасби ҳол тавсифи кўплаб ўрин эгаллаган.

Шоиранинг ижодида анъанавий тимсоллардан ташқари бошқа образлар ҳам учраб туради. Масалан, най тимсоли. Шоиранинг ижодида най тимсоли ўзига хос маъноларни билдиради:

Бихамдиллах, тилимни айладим ҳамдинга ман гўё,

Бўлуб минқори найдек бош аёғим жумлаи аъзо.

Шу ўринда савол туғилади? Нима учун шоира айнан минқор кушнинг найидек куйлаш ҳақида гапирмоқда? Нима учун оддий най ҳақида эмас? Айтишларича, минқор кушнинг тумшуғи узун ва жуда кўп тешиклардан иборат бўлар экан. Осмонда парвоз қилаётган минқор куш қанчалик ҳар хил ҳаракатларни бажарса, тумшуғидаги тешиклардан шунчалик турфа оҳанглар пайдо бўлар экан. Тасаввуф истилоҳига кўра **най** илоҳий ишқ билан тўлган қалбнинг рамзидир. Демак ,юқоридаги байтни куйидагича шархлашимиз ҳам мумкин: шоира қалби Яратганга бўлган ишқ билан лиммо-лим тўлган, шу сабабли унинг бутун танаси, наинки, оддий найга, балки минқор кушнинг тумшуғига ўхшаш найга айланиб турфа оҳанглар юзага келтирмоқда.

Най тимсоли шоиранинг асосан ғазал жанридаги асарларида кўп учрайди, лекин бошқа жанрдаги шеърларида ҳам бу тасвир учраб туради. Масалан:

Дилбаро, ўлтур, бошингдин айланай,

Пандим ол, ўлсам сўнгогим айла най.

Ушбу фардда ҳам най тимсоли бошқа сўфий шоирлар қўллаган маънога эгадир. Шоира ижодидаги най тимсоли буюк шоир Жалолиддин Румий “Маснавий”сидаги най рамзини ойдинлаштиради:

Тингла, най андоқ ҳикоятлар қилур,

Айрилиқлардан шикоятлар қилур.

Мен қамиш эрдим, кесиб келтирдилар,

Санчилур деб таънага ўлдурурлар.

Пора-пора қилди кўксимни фирок,

Баски, сўйла энди дарди иштиёқ.

Ҳар икки ижодкорнинг шеърларидаги най тимсоли ўзаро ҳамоҳангдир. Уларнинг талқинича, най қамишдан ясалади. У қамишлигида ям-яшил, тирик эди, уни кесиб аслидан айирдилар. У айрилиқдан сарғайди. Энди у ғариблиқдан, ҳижрондан фиғон чека бошлайди. Рухиятнинг теран пардаларини тебратувчи най ноласи аслиятга, ўзлигига қайтиш садосидир.

Жаҳонотин Увайсий ўзидан аввал ўтган шоирларнинг анъаналарини давом эттирган ҳолда ўз замонасидаги Амир Умархон, Нодира, Махзуна каби ижодкорлар шеърияти билан ҳамоҳанг тарзда ижод қилди.

3.2 Бадий маҳорат масаласи.

Шоира Увайсий XIX аср биринчи ярмидаги Фарғона адабий муҳитида ўзига хос овози билан ҳам, шунингдек, ўша давр адабий муҳитининг кенгайишига ва такомилига кўрсатган таъсири билан ҳам алоҳида алоҳида ажралиб турувчи истъодли шоирадир. Увайсий ўзининг бетакрор ва жозибатор лирикаси билан замондошларининг эътиборини қозонди.

Жаҳонотин Увайсий ёшлик давридан онаси, отасидан чуқур таълим олди. Шоиранинг замонасида бундай билимли аёл кишилар жуда камчиликни ташкил этарди. Шоира ўзини ҳеч қачон ожиза деб, тақдирга тан бериб, барча нарсаларга тақдири азални айбдор қилиб жимгина яшашни истамади. У доимо ҳақиқат тантанаси, адолат учун курашди.

Жаҳонотин Увайсий, шубҳасиз, ўзбек мумтоз адабиётининг етук намоёндаларидан биридир. Шоиранинг Навоий, Ғолиқ, Машраб ғазалларига боғланган кўплаб мухаммаслари, назиралари, Бедил шеърларига татаббуълари Увайсий маҳоратининг, иқтидорининг балоғатидан далолат беради. Шоира, асосан, арузнинг ҳазаж ва рамал баҳрларида ижод қилди. Бу ҳолат унинг ижодини халқ оғзаки ижоди билан ҳамоханглигини яққол кўрсатиб туради. Шоира мумтоз адабиётимизнинг деярли барча жанрларида юксак савия билан ижод қила олган иқтидор эгаси саналади. Айниқса, ғазал ва мухаммас жанрларида ўзининг беқиёслигини намоён қилди.

Ўзбек мумтоз адабиётида Жаҳонотин Увайсий ижоди ўзига хосликлари билан ажралиб туради. У нафақат мазмун, маъно, бадий санъаткорлик нуқтаи назаридан, балки жанрлар такомилига ҳам бевосита иштирок этган. Хусусан, кичик жанрдаги асарлари ҳам диққатга сазовордир.

Жаҳонотин Увайсий ижодини кўздан кечириб, ҳозиргача ўзбек адабиётига маълум бўлмаган асарларини матний ва поэтик таҳлил қилиб

шунга амин бўлдики, ҳақиқатан ҳам шоира ижоди кўлами ҳамда бадиий маҳорати бўйича ўзбек мумтоз адабиётида Алишер Навоийдан кейинги ижодий шахс ҳисобланади.

III боб бўйича хулосалар

Диссертациянинг учинчи бобида Жаҳонотин Увайсий ижодида анъана ва издошлик, ворислик масалалари, асарларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, шоиранинг бадиий маҳорати ҳақида сўз боради.

Ҳеч қайси ижодкор ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, ундан олдин яшаб ижод қилган инсонлар тажрибаси бунга замин ҳозирлайди.

Жаҳонотин Увайсий ҳам ўтмиш ижодкорларга муносиб ворис сифатида ўзидан аввалги анъаналарга муносиб издошлик қилганлиги ушбу бобда айтиб ўтилди. Шоира, асосан, Алишер Навоий, Фузулий, Бобораҳим Машраб ижодидан таъсирлангани унинг ғазалларидан ва мухаммасларидан сезилиб туради. Ушбу бобда Алишер Навоий, Фузулий, Бобораҳим Машраб ижоди билан ҳамоҳанг сатрларга батафсил тўхталишга ҳаракат қилинди.

Ушбу бобнинг биринчи фаслида образлар тизимига тўхталинган. Шоиранинг ижоди чуқур таҳлил қилиниб, анъанавий ва ўзига хос образлар тизимига эътибор қаратилган.

Умумий хулоса

Жаҳонотин Увайсий, шубҳасиз, ўзбек мумтоз адабиётининг етук намоёндаларидан саналади. Ушбу магистрлик диссертациясида ҳозирги кунда адабиётимиз ихлосмандларига маълум бўлмаган томонларига эътибор қаратилди. Шоиранинг ҳаёти ҳақида энг тўғри фикрларни унинг асарлари беради. Асарларидан келиб чиқиб тегишли хулосаларга келиш мумкин.

Мазкур диссертацияда қайд этилган мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

1. Увайсий ижодида қўлланилган ҳар бир тимсол унинг фалсафий дунёқараши қамровини, олами англаш мезонини, фикрлаш тарзини, ижодий тамойилини, йўналишини аниқлашимизда муҳим аҳамиятга эга.
2. Шоира фойдаланган тимсоллар мажмуи яхлитлашиб, рамзий фикр ва ғоялар талқинига хизмат қилади.
3. Халқ тили бойлигидан унумли фойдаланган шоира ижодида маъно кўлами янада кенгаяди ва Увайсий унинг маълум маъноларидан ташқари, ирфоний-фалсафий маънолардан ҳам кенг фойдаланади.
4. Ўзигача бўлган мумтоз асарлар анъаналарини ўрганган ва муносиб тарзда янада такомиллаштириб давом эттирган.
5. Мазкур тимсол қўлланган асарлар шоира таржимаи ҳоли ва асарларининг яратилиш даври борасида маълум даражада хулосалар чиқаришимизга, улар ҳақидаги тасаввурларимизни бойитишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, шоира Увайсий ижодида мумтоз шеъриятимиздаги девон тузиш анъанасига риоя қилинган;

лирик жанрларнинг барча туридаги намуналар учрайди;

шоира чистон жанрини устоз шоирлар анъанасини давом эттирган ҳолда сон ва сифат жиҳатдан бу жанрни такомилга етказди;

Увайсий шеъриятида анъанавий ҳамд ва наътларнинг намуналари йигирмадан ортиқ;

Увайсий ўз давридаги ижодкорларга нисбатан салмоқли ва мазмунан кенг кўламда ижод этгани ва ушбу ижод намуналари, янги топилган кўлёмалар адабиётшунос олимлар, мустақил тадқиқотчилар томонидан янада кенг қамровда ўрганилиши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Адизова И. Увайсий шеърлярида чистон жанри. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008 й. 3-сон.
2. Адизова.И. Украшение стихотворение. Actual problems of the thtory and practice of philological researches.- Pragua 2014.
3. Адизова И. Увайсий шеърлярида қофия. . // Ўзбек тили ва адабиёти. 2014 й. 2-сон.
4. Абдулҳамид Чўлпон. Увайсий. // Ёркин турмуш.- Т. 1933 й. 3-сон.
5. Абдурасул Эшонбобоев. Матншунослик ҳақида мулоҳазалар. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2002й. 2-сон.
6. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. Тошкент. 10-жилд.
7. Ўзбек адабиёти хрестоматияси. II жилд. О. Шарафутдинов. –Тошкент. 1945 й.
8. Тўхтасин Жалолов. Ўзбек шоирлари. –Т. 1970 й.
9. А. Қаюмов. Қўқон адабий муҳити. Тошкент. 1961.
10. Ҳ. Раззаков. А. Сайдалиев. Шоира Увайсий. Коммунист. 1959 й. 11 ноябр.
11. Ҳ. Раззаков. А. Сайдалиев. Ўзбекистон маданияти. Ҳ.Р.А.С. 1959 й. 23 декабр.
12. П.Қайюмий. Тазкираи Қаюмий. Т.1998 й.
13. Увайсий.Девон.Тузувчилар:Қаюмов А. ва Иброҳимова Э. Тошкент, 1959й.
14. Увайсий. Девон. Тузувчилар:Ҳ.Раззаков ва б. Тошкент, 1963 й.
15. Увайсий. Мазмун маъдани. Тузувчилар: А. Турдалиев, .
16. Увайсий. Қўлёзма.Девон. Андижон вилоят Адабиёт ва санъат музейи жамғармаси.ТР.Қ (туркий қўлёзма)
17. Увайсий. Қўлёзма.Девон. Андижон вилоят Адабиёт ва санъат музейи жамғармаси.ТР.Қ (туркий қўлёзма)05.105 varaқ. 1288 ҳижрий (м.й.1870). №138049.

18. Қуръони карим / Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. –Т.: Чўлпон, 1992.
19. О.Носиров ва бошқалар Ўзбек классик шеърляти жанрляри..Тошкент. Ўқитувчи.1979 й.
20. Юсупова Д. Аруз алифбоси. –Т.: Академнашр, 2015.
21. Увайсий шеърлятидан. Тузувчи: М. Қодирова.-Т.: 1980.
22. Увайсий. Қўнгил гулзори. Нашрга тайёрловчилар: И.Қосимов, А.Валихонов. –Т.: 1983 й.
23. Уч шоира. Тузувчи: Ў.Рашид. –Т.: 1958 й.
24. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 4 жилд.(Увайсий. Э.Иброҳимова)-Т.: 1978 й.
25. Увайсий. Қўлёзма.Девон. Андижон вилоят Адабиёт ва санъат музейи жамғармаси .(туркий қўлёзма) 06.210 варақ,1311 ҳижрий(м.1993) -№ 138050.

Иловалар

Увайсий шеърларининг янги аниқланган намуналари

Ғазаллар

**Қодиру қайимдурсан, ҳамдинга рухсат менго,
Бергил, эй доно аҳад , сўз дерда ман қилмай ибо.
Жоми ваҳдатдин насиб этсанг манга бир қатраи,
Масти лояқул гар ўлсам бўлмасам ўздин жудо.
Қайси сунъунгдин дам урмакка на ҳад бир муштихок,
Бошлағил роҳи такаллумға ўзингдурсан худо.
Эй Худо исми Аъзам, ман ғариб ишкаста қул,
Яъслиғ бирла қилиб Раҳмон отингга илтижо.
Ман баний одамдин иқрорам беитмоми расул,
Анбиёлар хотими, яъни Муҳаммад Мустафо.
Арбаъ ёр этдинг ул асҳобдин махсусрок,
Келтуруб авлодидин нурайни дорин зиё.
Раҳматинг дарёсидин навмид қўйма, эй Карим,
Раҳм қилсанг, бир нафасда Вайс ўлур дурри сафо.**

*** * ***

Эй ҳақиқат подшаҳи, оламни қилдинг сан бино,
Дўст тутдинг ошкор, ўлмаклигингни раббано.
Ул сабаб эрди муҳаббат исмини халқ айладинг,
Зоти ўз сунъунгни ганжида эрур, эй муқтадо.
Ҳикматингдин ҳазрати Одамни пайдо хокдин,
Айладинг сунъунг била то неча пайғамбар бино.
Раҳматинг дарёсидин қилдинг бино дурриятим,
Ломакониингда анга меърожни қилдинг ато.
Раҳм айлаб жумла осий банданга ул шоҳни,
Меҳрибон эттинг биза қилдинг кафил рўзи жазо.
Рутбаи ҳамдинга дил мавтам ўзинг еткурмасанг,
Зикр қилмоқга забон на ҳад қилурда ибтидо.
Ишқ миръотин олиб, илкимга термулсам гар,
Сандин ўзга Вайсий бечорангда йўқтур муддао.

* * *

**Аё Саййиди оламайни маҳлуқо,
Ки даврингда кавкаб эрур анбиё.**

**Туфайлингдин ўлди тамоми русул,
Беҳишт ичра ҳури қусури бино.**

**Кетургай худо сўзини Жаброил,
Дегай : Ё Расули ҳабиби худо.**

**Юзунг садқаси чун олса меҳрни,
Бошингда фалак ўгрулур доимо.**

**Назар хока солсанг, бўлур дамда зар,
Сўзунг куфр элиға эрур жонфизо.**

**Букун тийра таъбим санинг наътингга,
Узотти қўлин хуршиди Ваз-зуҳо.**

**Увайсийни маҳшар балиётидин
Ўзунг сақлагил, гарчи бу юз қаро.**

*** * ***

**Бори борму олдинга бормокқа, эй кони одоб,
Ман фано бўлсам,эшигинг итларига қил жавоб.**

**Зулмати ҳижронда ўлдум васлингни мардудидин,
Пардани юздин кўтаргил бизлара, эй офтоб.**

**Қон ютарман ташналиғдин,соқийё, раҳм айлағил,
Қилмади сероб ҳаргиз бир муғи ул лаъли ноб.**

**Сабза қилмиш ҳусни боғингники деҳқони азал,
Ёғдуруб кўнглум саҳобин, айлабон чашми пуроб.**

**Ёр ҳижронинг чунон собит эрур тан мулкида,
Васлинг андоғ бесаботе, мисли саҳрода сароб.**

**Рашкдин бўлмиш маҳалхалд бағрим, эй нозук бадан,
Итларингга тўймаға ташлай букун,бўлсун савоб.**

**Вайсий, сабр этгил букун, фони бу умрунг,боқий йўк,
Бул жаҳон ёмғур сувидур, умрунг устида хубоб.**

**Мамот аҳли топар жон, бу сифат назм ўлса гар пайдо,
Фасоҳат шарбатин ул соғари наътингдин ичгандо.**

**Малоҳат маъданидур нукта нутқингни ман топсам,
Сифат қилсам, балх пайдо бўлур наътингни очгандо.**

**Сочинг акси эди ул тун берар деб зеб ила зийнат,
Юзунг акси эди ул дўст, кўрмакликга бир аъло.**

**Ки меърож шарқинг ҳурматидин лайлатул кадр,
Ўшал дўст исмини ёд этди, ул донои беҳамно.**

**Беҳишт ичра нечалар пой бўлсанг чун туроб ўлди,
Қадаминг орзусидин бўлибдур, мушки анбарпо.**

**Ҳабибим деди: ул Субҳон, юборди лафзидин Қуръон,
Қилур бир дамда суйгондин кими Мажнун, кими Лайло.**

**Умид этгай, ўлса доимо шаръ шарқингни Увайсий,
Икки оламда маҳрум айтмағил сен айлағил парво.**

**Бихамдиллах, тилимни айладим ҳамдинга ман гўё,
Бўлуб минқори найдек бош аёғим жумлаи аъзо.**

**Калисо ичраву масжиднамову дайр аро юрмиш,
Насороу, муғу, мўмин билан юз габр, юз тарсо.**

**Санинг зотингга ҳар тил лол алкандур, деёлмас тил,
Сифотингнинг гулин искаб кўнгилдурур булбули шайдо.**

**Мани расво этибдур телба кўнглум дайр аро, ё Раб,
Ўзунг сори талаб қил билмасин дунёву мофийҳо.**

**Сифотингни ўзунг билдирдунгу сўз дер киши гоҳи,
Вале зотингга мандиндур батар юз бу Али Сино.**

**Жаҳон боғига бутди оби ёри қудратинг бирла,
Юзи гуллар, қади шамшодлар ҳам кўзлари шахло.**

**Этарсан тоғ аро кўп лаъл ила маҳзан,
Қилурсан баҳри найсон қатрасидин лўълўи лоло.**

**Заифу хаста зоду ҳазину гунг, лол эрмиш,
Увайсий қайси тил бирла десун ҳамдингни бар аъло.**

**Лолдур ҳамдингга тил зоти улуг поки худо,
“Кун”, - дединг, бўлди бу олам ҳама жон арзу само.**

**Ҳама идбораи дашту, ҳама ҳомуни жибол,
Жаннату кавсару лавҳу қаламу арши аъло.**

**Раҳматингдин ки муроссаъ этибон ҳашт беҳишт,
Айладинг ҳафт тамуғни яна қаҳрингда бино.**

**Равшани дин сабаби чун яратиб жамъи расул,
Дўст тутдинг баридин хатми набийинг меҳру вафо.**

**Амринга машғул ўлубдур ки фалак узра малак,
Лолау сабзау райҳон сенга дер ҳамду сано.**

**Лаъли ёқут зуммуратдин ўлуб маъдани сунъий,
Муқаннаъдур ки садаф батнида ул дурри сафо.**

**Қудратингдин яратибсан бирни султонун ғаний,
Бирни муфлис этиб, бирни эшикларда гадо.**

**Бирни обид била зоҳид, бирни бирни сожиди салот,
Бирни ошиқи шариф жонидурур ҳаққа фидо.**

**Баъзи ширинсўз илан хушнуд этар ом ила хос,
Баъзи замбур каби мўминиға бергай азо.**

**Баъзи дард ила гирифторки, баъзи ғам илан,
Баъзи бумқуш киби шабрўз қилур баъзи наво.**

**Карамингдин хама жунбуш била сокин кўринур,
Қай кун мавқуфда жумла жаҳон бўлғай адо.**

**Санамим деб бу Увайсий тилидан ёзган учун,
Куйдурубсан бу муҳаббат ўтида ё Самадо.**

Эй хожай халойиқ, маҳбуби кибриё,
Маснаднишин суффаи аълои босафо.

Эй саййидоки санга тоҳо лақаб эрур,
Тафсири меҳри ораз ваш-шамсу ваз-зуҳо.

Вал-лайли ишорати шабранг зулфдур,
Ваннажм нуктаи меърожи анбиё.

Руҳиламинки ғошия пардадоринг эрдилар,
Бир тун ароки берди санга манзили дунё.

Олам туфайли тораи зулфи муанбари,
Аҳли чашмки жумла эрур олдида гадо.

Фирдавс илинжида ҳазрат Идрис ғамдадур,
Гул оразининг ишқида ҳар дам қилур наво.

Исо эрурки, сокини афлоки арбаъи,
Ҳар дам тилар васлини айларки илтижо.

Шамси қамарки зарраи хуршид орази,
Шаҳлои жоми наргис мастию мотоғо.

Бу ожизи Увайсийни навмид қилмағил,
Явмуннашу ичиндаки султон бовафо.

Чистонлар

**Ул надир боши йигирма, жисми қирқ, шоҳ улфати,
Пойи икки юз ажойиб, турфа шаъни шавкати.
Лаъли ёқуту зумуррад тўн кияр ул рўзи шаб,
Ўлтурубдур тахти абжад узра бордур давлати.
(камар)**

**Ул надурким, боши саксон, бўйни учдир, дилбаро,
Бели бирдур, пойи юз сизларга доим ошно.
(пичок)**

**Ул надурким боши олти юз, охири бирдур тани,
Пойи йигирмаким, ани топган киши донишмани.
(тупрок)**

**Ул надурким боши бирдур, қўли ўндур билсангиз,
Жисми қирқу, бели бирдур, пойи элликдур ани.
(иймон)**

**Ул надурким боши юздур, қўли икки юз эрур,
Бели бирдур, пойи эллик сўзи шириндур ани.
(Қуръон)**

**Ўн йигирма- икки юздур, қирқ эй суҳансанжи жаҳон,
Ёна бириси ўн йигирма, икки юз қирқдур аён.**

**Ул надурким, бир дарахту, олти баргу, уч самар.
Жисми икки, шохи икки, юз эрур андоқ шажар.
Панжи бир, ўттуз тараф юргай йигирма йўл била,
Сол дубора олғил, абжаддин ул мўтабар.**

**Ул на маҳбуи эрурким, боши бир, оёғи ўн,
Кўзи қирқ, оғзи бирдур, пойи эллик, инчунун.**

(иймон)

**Ул надурким сабз тўнлик, ёз ёғочнинг бошида,
Қиш яланғоч айлағай барча халойиқ қошида.
Барча қушларнинг сўнгаги ичида
Ул на қушдурким сўнгаки тошида.**

(ёғоқ)

**Ул на маҳзандур: боши бир, қўли олти, уч ажаб,
Эшиги ўндур.....тўрт юздур, ёронлар, на сабаб.**

Ул на қушдур боши юздур, қўлга олсанг, хосият,
Ани ўттуздур қаноти юрмагини офият,
Пойи қирқ, абжад ҳисоби анга эрмиш бандибоғ,
Бандидин айланг ҳалос, ул қушни қилманг қабзият.

(қалам)

Ул наким, боши учдур, қўли ўн, олтмиш қанотлиғ жонвари,
Пайкари тўрт юз, бели бирдур, оёғи эллик, ул сарвари.
Жони иймони ҳисоби абжадда айлабдур ватан ул қуш бу кун,
Топса ҳар ким ул чийистон ақли баҳрида эрур ул гавҳари.

(чистон)

Боғ аролаб бир гули кўрдум, ажойиб ногаҳон,
Юз тани бор, етти шоҳи, ўн буюғ бўлмиш аён.
Йафроғи ўттуз, йигирма банд, ўттуз сийнадур,
Эй Фалотунтаб, олам айлагайсан имтиҳон.

Ул надурким, боши бирдур, жисми олтидур ани,
Пойи тўрт юздур, они билғон кишининг ақли бор.

Недур ул бир, бели олтию учдур боши, ул дилбар,
Икки бирла икки юз жисми ани, эй дури шаҳвар.
Оёғи бир билад олти, эллик чиқар аввал ҳарф,
Чиққан ҳарфни яна солсангки, абжадга бўлур изҳор.

(жува)

**Ул на қушдурким қаноти уч эрур,
Жисм бирдурким, пути эллик эрур.**

(жон)

**Ул надурким боши саксон, жисми ўттиз, пойи бир,
Жони тўрт юз, ақли ўндур фахм эллик беназир.**

(Афлотун-Платон)

**Ул на қуш кўзга кўрунмаским, шафақ болу пари,
Мисли ул раф- раф сувору билсангиз, йўқтур тани,
Воқиф эрур кеча-кундуз хизматида тўрт ғулом,
Қон илан эрмиш мурасса бул чийистон маскани.**

(қалб, тўрт ғулом-кўз, оғиз, қулоқ, бурун)

**Ул надурким, икки дарёи ажаб хунхордур,
Эл ҳалокни қасдига мавж урмишин кўрдум букун.
Ул на қушдурким уёсида, болалар ташқари,
Дон берур вақтидаги толпинмишин кўрдум букун.**

(кўз)

**Ул надурким, бир келин ўзи чўтир,
Етти қат парда ичида мисли хур.**

(маккажўхори)

**Икки маҳбубини кўрдум, бир-бирисин кўрмаган,
Иккисининг ўртасига, дўстлар, қил сиғмаган.**

(кун ва тун)

**Икки маҳбубини кўрдум, иккисин киндиги бир,
Иккисин орасига тушсанг топадурсан касир.**

(қайчи)

**Ул надурким, пойи йўқ, юрса боши бирла юрар,
Юрганида хок сурмай, онча устолик қилар.**

(сув)

**Ул надур боши йигирма, бўйини ўн асбобдур,
Бели ўтгуз, пойи ўн , топган киши ноёбдур.**

(кели)

**Андижон давлат университети Магистратура бўлими
адабиётшунослик мутахассислиги магистранти Исломова Сохибанинг
“Увайсий лирикасининг матний тадқиқи ва поэтикаси” мавзусидаги
магистрлик диссертациясига илмий раҳбар ф.ф.н, доцент
Д.Абдуллаева**

Х У Л О С А С И

Магистратура бўлими адабиётшунослик мутахассислиги магистранти Исломова Сохиба **“Увайсий лирикасининг матний тадқиқи ва поэтикаси”** мавзусидаги магистрлик диссертацияси устида ҳозирга қадар илмий изланишлар олиб борди. Бугунгача мазкур мавзу бўйича бир қанча илмий адабиётлар, манбалар жамланиб, магистрант томонидан ўрганилди.

Ўзбек мумтоз адабиётида Жаҳонотин Увайсийнинг ўрни беқиёсдир. Адабиётшуносликда Увайсийнинг ўрганилмаган жуда кўп асарлари бор. Айниқса, собиқ шўролар даврида ҳамд ва наътга бағишланган ғазаллари атайлаб тушириб қолдирилган. Шоиранинг ғазалларидан ташқари чистонлари, мувашшаҳлари ва бошқа лирик асарлари ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Увайсий ижоди А. Қаюмов, Э. Иброхимова, М. Қодирова, Х. Раззоқов, Боқир ва Улфатлар томонидан ўрганилган.

Магистрант Исломова Сохиба Жаҳонотин Увайсийнинг кам ўрганилган девонлари асосида илмий иш олиб бориши ижобий натижа бермоқда. Унинг илмий изланишлари натижасида ўзбек адабиётида ҳозиргача маълум бўлмаган 20 дан ортиқ ҳамд ва наът мавзусидаги ғазаллари ҳамда 50 га яқин чистонлари аниқланди.

Магистрлик диссертациясида бошқа манбалардан кўчириб олиш ҳолатлари учрамайди, олинган айрим фактик маълумотларга тегишли адабиёт ҳавола қилинган.

Мазкур магистрлик диссертациясида тадқиқотнинг барча талабларига амал қилинган: мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, амалий аҳамияти ва бошқалар ўз ўрнида берилган. Магистрант Исломова Соҳиба ушбу мавзуга доир тегишли илмий ва ўқув адабиётларидан, илмий мақолалардан самарали фойдаланган. Тадқиқотчи олимларнинг фикрларини мушоҳада қилиб, ўз хулосаларини чиқарган.

Бугунга қадар магистрант ўз мавзуси доирасида бир қанча илмий адабий мақолаларни чоп этди.

Магистратура бўлими адабиётшунослик мутахассислиги магистранти Исломова Соҳиба **“Увайсий лирикасининг матний тадқиқи ва поэтикаси”** мавзусида тайёрлаган магистрлик диссертациясини якунланган иш сифатида қабул қилиб, уни очиқ ҳимояга тавсия этаман.

Илмий раҳбар:

ф.ф.н, доцент Д.Абдуллаева

Андижон давлат университети

Магистратура бўлими адабиётшунослик

мутахассислиги магистранти Исломова

Сохибанинг **“Увайсий лирикасининг**

матний тадқиқи ва поэтикаси” мавзусидаги

магистрлик диссертациясига ф.ф.н

М.Тожибоева

ТАҚРИЗИ

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан “Қадимий қўлёзма манбаларни сақлаш, ўрганиш тўғрисида” ги қарори эълон қилиниши кўпгина мумтоз адабиёт ихлосмандлари учун айни муддао бўлди.

Ушбу магистрлик диссертацияси ҳам Увайсий қўлёзмалари билан ишлангани билан муҳим илмий аҳамият касб этади.

Магистрант Исломова Сохиба иш жараёнида тиришқоқлик билан ҳаракат қилиб, илмий раҳбари билан ҳамжиҳатликда республикамизнинг кўпгина жойларидан Увайсий қўлёзмаларини аниқлади ва қиёсан ўрганди. Ушбу иш Увайсийнинг қўлёзма девонларидан ҳозиргача ўрганилмаган жанрлардаги мавзулардаги асарларнинг матний тадқиқ қилиб, поэтик хусусиятларни ёритишга ҳаракат қилинганлиги учун ҳам илмий аҳамият касб этади. Магистрант Сохиба Исломова ўз илмий ишида Жаҳонотин Увайсийнинг нисбатан кам ўрганилган қўлёзма девонлари асосида тадқиқот олиб боргани диққатга сазовордир.

Магистрлик диссертациясининг 1-бобида Жаҳонотин Увайсий адабий ижодини ўрганилиши ҳақида батафсил маълумот берилган. Шоира адабий мероси жамланган қўлёзма девонлар қиёсий ўрганилган.

Ишнинг 2-бобида Увайсий адабий меросининг кўлами, жанр хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Андижон вилояти Адабиёт ва

санъат музейи қўлёзмалар жамғармасида 138049, 138050 инвентар рақами билан сақланаётган девонларда ўрин олган бугунги кунгача адабиётимиз ихлосмандларига маълум бўлмаган ҳамд ва наът мавзусидаги ғазалларни ҳозирги кунда амал қилинаётган имломизга табдил қилишининг ўзи адабиётимизнинг ютуғи ҳисобланади. Бу ғазалларнинг бадиий-ғоявий таҳлили тадқиқотчидан кўпгина илм соҳаларини яхши билишликни талаб қилади. Магистрант Исломова Соҳиба бу вазифани аъло даражада бажарган, аммо баъзи бир жузъий камчиликлар ҳам ишда учраб туради. Бу ҳолат келгуси ишларида бартараф этилади, деб ишонч билан айта оламиз. Шу бобда Увайсийнинг илм аҳли учун номаълум бўлган чистонларининг табдили амалга оширилгани ва поэтик таҳлил қилгани магистрлик диссертациясининг аҳамиятини оширган.

Магистрлик диссертациясининг 3-бобида Жаҳонотин Увайсий ижоди қайси адабий сарчашмалардан баҳраманд бўлгани, шоира ижодидаги анъана ва издошлик масалаларига тўхтаб ўтилган.

Мазкур магистрлик диссертациясида тадқиқотнинг барча талабларига амал қилинган. Тегишли илмий ва ўқув адабиётлардан, илмий мақолалардан самарали фойдаланилган. Диссертацияни ҳимояга тавсия қиламан.

Такризчи:

ф.ф.н. М.Тожибоева